



## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

**«Жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашни тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

Қонунчилик палатаси томонидан  
2009 йил 26 мартда қабул қилинган

Сенат томонидан 2009 йил 28 мартда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августда қабул қилинган «Жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашни тўғрисида»ги 660-И-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, №9, 160-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, №4, 167-модда) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **3-модданинг иккинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Терроризмни молиялаштириш – террорчилик ташкилотининг мавжуд бўлиши ва ишлаб туришини таъминлашга, террорчилик ҳаракатларини тайёрлаш ва содир этишга, террорчилик ташкилотларига ёхуд террорчилик фаолиятига кўмаклашаётган ёки бундай фаолиятда иштирок этаётган шахсларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағ-воситалар, ресурслар беришга ёхуд йиғишга, бошқа хизматлар кўрсатишга қаратилган, жиний жазоланадиган ижтимоий хавфли қилмиш»;

2) **4-модданинг иккинчи хатбошиси** куйидаги тахрирда баён этилсин: «махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга ошириладиган назорат»;

**Тўртинчи хатбошиси** куйидаги тахрирда баён этилсин: «мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар»;

3) **5-модда** куйидаги тахрирда баён этилсин:

**«5-модда. Махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга ошириладиган назорат**

Махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга ошириладиган назорат – пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи таш-

килотлар тақдим этадиган ахборотни текшириш ва ушбу Қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш бўйича махсус ваколатли давлат органи томонидан қабул қилинадиган чора-тадбирлар мажмуи»;

4) **6-модда:**

**Биринчи қисмидаги «қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий назорат»** деган сўзлар «махсус ваколатли давлат органига хабар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**Иккинчи қисмидаги «пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилот фаолиятининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мажбурий назорат»** деган сўзлар «махсус ваколатли давлат органига хабар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**Учинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар учун ички назорат қоидалари тегишли назорат қилувчи, лицензияловчи ва рўйхатдан ўтказувчи органлар томонидан махсус ваколатли давлат органи билан биргаликда, бундай органлар бўлмаган ҳолда эса, махсус ваколатли давлат органи томонидан ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланади»;

куйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ички назорат қоидаларига риоя этилиши устидан мониторинг ва назорат мазкур қоидаларни тасдиқлаган органлар, шунингдек махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади»;

5) **7-модда** куйидаги тахрирда баён этилсин:

**«7-модда. Мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар** Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар:

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Хайъатининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни республика Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов олиб борди.

Хайъат мажлисида дастлаб жорий йилнинг ўтган уч ойи якунлари бўйича жиноятчиликка қарши курашишнинг аҳоли ва ушбу фаолиятни такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилди. Сўнг Андижон ва Фарғона вилоятлари ички ишлар идораларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

**ҲАЙЪАТ МАЖЛИСИДА**

борасида амалга оширилаётган ишлар ҳамда мазкур йўналишдаги фаолиятни янада яхшилаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар муҳофаза қилинди.

Шунингдек, мажлис қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни қайд этишни назорат қилишга мўлжалланган «Паспорт-виза» комплекс автоматлаш-

тирилган ахборот тизимини ҳамда уни вазирлик ХЧК ва ФРБ, унинг жойлардаги хизматларига татбиқ этиш, яратилган тизимдан барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фойдаланишларига имконият яратиш юзасидан фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Хайъат мажлиси якунида «Фалла – 2009» мавсумига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида жамоат

тартибини сақлаш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ҳамда етиштирилган ҳосилни ўз вақтида нобудгарчиликларсиз йиғиштириб олиш, дон маҳсулотларини қабул қилиш, қуриштириш ва сақлаш ормонларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида кўрилиши зарур бўлган чора-тадбирлар белгилаб олинди. Мажлисда муҳофаза этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз.

**2009 йил – қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили****ОСОЙИШТА ВА КЎРКАМ МАСКАН**

Профилактика инспектори, катта лейтенант А. Бахромова маҳалла фаоллари билан.

**Янгийўл туманидаги қишлоқлардан бири – Ниёзбошнинг бугунги кийёфаси ўзгача. Ушбу гўшада меҳнатни бахт, бахтни меҳнат деб билган, умрининг энг тотли дамларини эл-юрт фаровонлиги, осойишталигига бағишлаётган инсонлар яшайди.**

Худудда бешта маҳалла бўлиб, 30 минг аҳоли истиқомат қилади. Битта коллеж, бешта мактаб, чорвачилик фермаси, гишт заводи, савдо шохбчалари мавжуд. Ҳар бир маҳалланинг бир-биридан кўркам гузари бор. Қишлоқ аҳлини асосан тадбиркорлар, деҳқонлар, чорвадорлар, ўқитувчилар ташкил этади. Бир сўз билан айтганда, юрт мустақиллиги, ободлиги, фаровонлиги ва тинчлиги йўлида фидойилик кўрсатаётган касб эгаларини шурда учратиш мумкин.

Қишлоқнинг Ойбек маҳалласида 302-милиция таянч пункти жойлашган. Профилактика инспектори, катта лейтенант Азиз Бахромова тўрт йилдирки осойишталикни сақлаш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳормай-толмай хизмат қилмоқда. Маҳалла оқсоқоли Бекмирза Холмирзаев, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Тўймахон Ҳасанбоева, маҳалла посбони Исроил Эшонқуловлар про-

филактика инспекторининг яқин кўмакчиси ҳисобланади. Ўзаро ҳамкорлик самараси ўлароқ, худудда жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик ва кўнгилсиз ҳолатларнинг олди олинмоқда.

– Катта лейтенант Азиз Бахромова ҳамisha фуқароларимизга қайишадди, – деди маҳалла оқсоқоли, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби Б. Холмирзаев. – Бирор муаммо юзага келса биз билан кенгашиб уни бартафари этиш чораларини кўради. Маҳалла посбонларининг тунги навбатчилиги маҳалладошларимиз хотиржам ором олишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

(Давоми 5-бетда).

**ШУКРОНА****ҚАЛБИМ ТЎЛҚИНЛАНИБ КЕТДИ**

Президентимизнинг Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан биз фахрийларга кўрсатган ғамхўрлигидан, шу касбим ва хизматим туфайли ҳурмат, эътибор кўраётганимдан қалбим тўлқинланиб кетди.

Қонли жангоҳлардан кечиб ўтган биз фахрийлар, тинчлик қадрини жуда яхши биламиз. Яратгандан юртимизда тинчлик ва осойишталик бардавом бўлиб, халқимизни уруш балосидан асрагин дея сўраймиз. Ҳар гал Тўрткўл тумани ИИБ ходимлари ҳамда маҳалла фаолларининг ташрифлари, ҳурмат ва эътиборларидан кўнглим тоғдек кўтарилади. Бизга ҳурмат-эътибор кўрсатганларнинг мартабаси доимо улғ бўлсин.

**Аллам ХУДОЙБЕРГАНОВ,**  
Иккинчи жаҳон уруши фахрийси,  
истеъфодаги катта сержант.

Қорақалпоғистон Республикаси.

**КЕКСАЛАРНИ СИЙЛАГАН КАМ БЎЛМАС**

Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Юртбошимизнинг Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиларини моддий рағбатлантириш ҳақидаги Фармонини эшитиб, бошимиз осмонга етди. Кексаларни сийлаган асло кам бўлмайди. Урушнинг суронли йилларини бошдан кечириб, кўп йиллар давомида ички ишлар идораларида хизмат қилдим. Ҳар ким кексайганида иззат-ҳурматда бўлсин. Дориламон кунларда яшаш насиб этганига шукрона айтаман. Биз, уруш фахрийларини эъзозлаган ИИБ раҳбарияти ва барча ички ишлар ходимларидан чексиз миннатдорман.

**Чиноз ШЕРМАТОВ,**  
Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси,  
истеъфодаги сержант.

Жиззах вилояти.

**ЭЪЛОН!****ХАЙРИЯ КОНЦЕРТИГА МАРҲАМАТ!**

Азиз ватандошлар, Сизларни 9-10 май кунлари «Хотира ва қадрлаш куни» муносабати билан «Истиқлол» санъат саройида халқимиз тинчлиги, эл-юрт осойишталиги йўлида жон фидо қилган юртдошларимиз хотирасига бағишлаб, Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари, Ички ишлар вазирлиги ва бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан ўтказиладиган хайрия концертига тақлиф этамиз.

Хайрия концертида эл севган санъат усталари, ҳарбий-бадий жамоаларининг таниқли хонандалари ва эстрада юлдузлари иштирок этишади.

Концертдан тушган маблағ ўз хизмат бурчини ўташ пайтида ҳалок бўлган ҳарбийлар ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг оилаларини қўллаб-қувватлаш учун сарфланади.

Дастурда жонли ижро ва фонограммадан фойдаланилади.



# ТАЙИНЛАНДИЛАР

**Тошкент вилояти ИИБ Хуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғи, подполковник Махамадали Исмоилов.**

Махамадали Исмоилов 1967 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИБ Тошкент олий мактабини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1993 йилда Андижон вилояти ИИБ ЖКБ тезкор вакили лавозимидан бошлаган. 1995–2000 йилларда Андижон вилояти ИИБ ЖКБ катта тезкор вакили, Қорасув шаҳар ИИБ бўлим бошлиғи ўринбосари, Андижон вилояти ИИБ ЖКБ бўлим бошлиғи ўринбосари, 2000–2009 йилларда республика ИИБ ЖКББ катта тезкор вакили, бўлим бошлиғи, ИИБ ЖК ва ТҚКБ бўлим бошлиғи ўринбосари, Тошкент вилояти ИИБ ҲООБ бўлими катта инспектори, ҲООБ бошлиғи ўринбосари лавозимларида хизмат қилган.



**Фарғона вилояти ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи, подполковник Низомжон Бобононович Каримов.**

Низомжон Бобононович Каримов 1966 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИБ Ёнғиндан сақлаш олий техник мактабини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1986 йилда Наманган вилояти ИИБ ЁСБ инспектори лавозимидан бошлаган. 1993–2009 йиллар Фарғона вилояти ИИБ ЁСБ муҳандиси, лабораторияси бошлиғи, Қўқон шаҳар ИИБ ЁХБ бошлиғи, республика ИИБ ЁХББ бўлим бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.



**Тошкент вилояти Тошкент тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, подполковник Ғайрат Гулямджанович Мадаминов.**

Ғайрат Гулямджанович Мадаминов 1968 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИБ Академиясини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1990 йилда Тошкент вилояти Бекобод шаҳар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими катта инспектори лавозимидан бошлаган. 1991–2009 йилларда Бекобод шаҳар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими рота командирининг ўринбосари, Бекобод шаҳар ИИБ ШТБИГ катта инспектори, Бекобод шаҳар ИИБ 1-ШИБ бошлиғи, Бекобод шаҳар ИИБ бошлиғи ўринбосари, бошлиғи, Тошкент вилояти ИИБ ЖК ва ТҚКБ бўлим бошлиғи ўринбосари, Юқоричирчиқ тумани ИИБ бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.



**Тошкент вилояти Оҳангарон тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, подполковник Тоҳир Эркинович Алматов.**

Тоҳир Эркинович Алматов 1961 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИБ Академиясини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1991 йилда Тошкент вилояти Зангиота тумани ИИБ участка инспектори лавозимидан бошлаган. 1992–2009 йилларда Тошкент вилояти ИИБ ЖКБ тезкор вакили, Қидирув милиция хизмати УЖ ва ҚҚКБ катта тезкор вакили, Янгийўл тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, Бўка тумани ИИБ бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.



**Тошкент вилояти Ўртачирчиқ тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, подполковник Абдусалом Абдужалилович Юлдашев.**

Абдусалом Абдужалилович Юлдашев 1965 йилда туғилган. Маълумоти олий, Тошкент Давлат юридик институтини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1986 йилда Тошкент вилояти Бекобод шаҳар ИИБ милиция бирлашган қўриқлаш дивизиони милиционери лавозимидан бошлаган. 1990–2004 йилларда Бекобод шаҳар ИИБ милиционер-ҳайдовчиси, қўриқлаш ротасининг бўлими командири, ЖТСХ инспектори, қидирув милиция хизмати бўлими тезкор вакили, тергов бўлими масъул терговчиси, Тошкент вилояти ИИБ КР ва ТҚКБ тезкор вакили, катта тезкор вакили, 2004–2009 йилларда Тошкент вилояти ИИБ ЖК ва ТҚКБ катта тезкор вакили, бўлим бошлиғи ўринбосари, бўлим бошлиғи, Ўртачирчиқ тумани ИИБ бошлиғи вазифасини бажарувчи лавозимларида хизмат қилган.



**Тошкент вилояти Бўка тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, подполковник Номанали Юсупжонович Избосаров.**

Номанали Юсупжонович Избосаров 1967 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИБ Тошкент олий мактабини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1988 йилда Тошкент вилояти ИИБ муассасаси милиционери лавозимидан бошлаган. 1994–2009 йилларда Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар ИИБ ЖКБ тезкор вакили, бошлиғи, ЖК ва УЖҚКБ бошлиғининг ўринбосари, шаҳар ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, Зангиота тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари лавозимларида хизмат қилган.



**Тошкент вилояти Юқоричирчиқ тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, подполковник Икромжон Нариманович Шоакбаров.**

Икромжон Нариманович Шоакбаров 1971 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИБ Академиясини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1993 йилда Тошкент вилояти Қибрай тумани ИИБ ЖКБ тезкор вакили лавозимидан бошлаган. 1997–2009 йилларда Қибрай тумани ИИБ ЖКБ катта тезкор вакили, бўлими бошлиғи, ЖК ва УЖҚКБ катта тезкор вакили, «Тузел» қўргони милиция бўлими бошлиғи, Оққўрғон тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари лавозимларида хизмат қилган.



**Тошкент вилояти Ангрен шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи, подполковник Ўқтамбай Янгибаевич Бекчанов.**

Ўқтамбай Янгибаевич Бекчанов 1963 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИБ Тошкент олий мактабини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1984 йилда Тошкент шаҳар Ҳамза тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бошқармаси милиционери лавозимидан бошлаган. 1988–2009 йилларда Тошкент вилояти Бекобод шаҳар ИИБ вояга етмаганлар билан ишлаш инспекцияси инспектори, ЖКБ тезкор вакили, ТБ терговчиси, Зангиота тумани ИИБ ЖКБ тезкор вакили, катта тезкор вакили, бошлиғи, Тошкент тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, Тошкент вилояти ИИБ ЖК ва ТҚКБ катта тезкор вакили, бўлим бошлиғи ўринбосари, бўлим бошлиғи, Оҳангарон тумани ИИБ бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.



**Тошкент вилояти Оҳангарон шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи, майор Ибрагим Нуриддинович Ҳакимбаев.**

Ибрагим Нуриддинович Ҳакимбаев 1975 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИБ Академиясини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1998 йилда Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар ИИБ вақтинча ушлаб туриш ҳибсхонаси бошлиғининг ўринбосари лавозимидан бошлаган. 1999–2009 йилларда Янгийўл шаҳар ИИБ ЖКБ тезкор вакили, ЖК ва УЖҚКБ катта тезкор вакили, Янгийўл тумани ИИБ ЖК ва УЖҚКБ бошлиғи, Чиноз тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари лавозимларида хизмат қилган.



## ХАБАР

### ЯНГИ, ЗАМОНАВИЙ ВА ШИНАМ

Бугунги кунда жазони ижро этиш тизимларида маҳкумларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, қонунларимизга ҳурмат ва Ватанга садоқат туйғуларини уйғотиш билан бирга уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва зарур шарт-шароитлар яратиш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Подполковник **Ф. Жўраев** раҳбарлик қилаётган жазони ижро этиш муассасасида замонавий типдаги янги ётоқхона биносининг қуриб фойдаланишига топширилгани бунга ёрқин мисол бўла олади.

– Бу ерда маҳкумларнинг кўнгилли ҳордиқ олиши ва бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун зарур қулайликлар яратилди, – дейди муассаса бошлиғи янги бино билан таништириб. – Ётоқхона ёнида бадиий адабиётлар жамланган кутубхона, Маърифат хонаси, шунингдек, чойхона, учрашув хоналари ҳам ташкил этилди.

Дарҳақиқат, янги бинода маҳкумларнинг маданий дам олиб, билим доирасини кенгайтиришлари учун зарур шароитлар муҳайё. Шинам ва озода хоналарда улар телевизор кўриб, янги газета ва журналлар ўқиши, шахмат-шашка билан шуғулланишлари мумкин.

Янги ётоқхона биносининг очилиш маросимида республика Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник **А. Шодиев** иштирок этди.

**Нигора РАХИМОВА.**

Навоий вилояти.

## СЕМИНАР-КЕНГАШ

### ЎЗАРО ТАЖРИБА АЛМАШИШДИ

Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ЁХБда бўлиб ўтган семинар-кенгашда Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқармаларининг моддий-техника билан таъминлаш гуруҳи мутасаддилари иштирок этди.

Унда ёнғин ўчириш автомобилларига техник хизмат кўрсатиш ишларини ташкил этиш, ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари ва энергетика ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиш, қайта қурилатган ёнғин хавфсизлиги қисми биноларини ўрганиш каби масалалар кўриб чиқилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЁХББ бўлим бошлиғи, подполковник **Д. Тохтамуратов** ҳукуратимиз қарорлари асосида жойларда амалга оширилган ишларни таҳлил этди. Шунингдек, сўзга чиққанлар тизимда олиб борилган ишлар ва галдаги вазифалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Семинар-кенгаш қатнашчилари Нукус, Тахياتош шаҳарлари ва Мўйноқ тумани ИИБ ЁХБ ходимларининг иш тажрибалари билан ҳам яқиндан танишишди.

**Дурдибой ХУДОЙШУКУРОВ.**

Қорақалпоғистон Республикаси.

## ЖАҲОН



### АЙВОНИДА

#### НАМОЙИШЧИЛАР ТАЛАБИ

Монако қиролигида ўтган 10 йил ичидаги энг йирик намоийш бўлиб ўтди. Унда банклар, супермаркетлар, шифохоналар, завод ва фабрикалар ходимлари иштирок этди. Намойишчилар ҳукуматдан янги иш ўринлари яратишни талаб қилишмоқда. Маълумки, ҳозир қироликдаги иш ўринлари 11 фоизга қисқариб кетган.

#### ТЎҚНАШУВЛАР БАРҲАМ ТОПАДИ

Шри-Ланка шимолида ҳукумат аскарлари ва жангарилар ўртасида 1983 йилдан бери давом этаётган қуролли тўқнашувлар ниҳоят барҳам топадиганга ўхшайди. Зеро, ҳукумат қўшинлари айна пайтда айирмачи кучларни тобора сиқиб бормоқда.

Шу йилнинг 22 апрелида қуршовда қолган жангариларга таслим бўлиш талаби қўйилди. Ҳозирча ўзаро тўқнашувлар давом этмоқда.



#### ГУМОНДОРЛАР ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Италия полицияси мамлакат шимолида жойлашган Калабрия мафиясига алоқадорликда гумон қилинган 39 кишини ҳибсга олди. Улар қотиллик, босқинчилик, талончиликда, шунигингдек, портловчи моддалар савдо-сида айбланаяпти.

#### МОЛИЯВИЙ ИНҚИРОЗ ОҚИБАТИ

Евроҳудудда 2009 йилнинг февраль ойида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 18,4 фоизга тушиб кетган. Бу 1986 йилдан буён қайд этилган энг юқори рекорд натижадир.

#### ФАЗОДА ЧИКИНДИ КЎПАЙИБ БОРМОҚДА

Маълумотларга қараганда, Ер орбитасида ҳаракатланаётган ва «ўлик» сунъий йўлдошлар, уларнинг бўлаклари жорий йилнинг биринчи чорагида кўпайган.

Аввал коинот кенгликларини назорат қилиш воситалари орқали 12743 та сунъий объект кузатилган бўлса, кейинги 24 ой ичида улар сони 13897 тага етган.

Интернет ва ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.

## ҚАРОР ВА ИЖРО

# ГАЛЛАЗОРЛАРИМИЗ ПАЙҲОН БЎЛМАСИН

Бу йил қишлоқ хўжалиги учун қут-баракали келди. Кексаларимиз айтмоқчи, мучал буйича барака ва тўқинчилик рамзи бўлган Сигир йили шарофатиданми, ҳар ҳолда юртимиз далаларида ўт-ўлан сероб, галлазорларда гуркираб униб-ўсаётган бугдой ва бошқа бошоқли экинларнинг авжи кўзни қувонтиради. Йилимизнинг серёғин келиши заминга жон киритиб юборди гўё. Албатта, она табиатнинг бундай саховати Юртбошимиз томонидан Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили, деб эълон қилинган жорий йилда дастурхонларимиз янада тўқин бўлишига ишора.

Бироқ яна бир манзара борки, кўнгилни хира қилади. Бу ўринда гап айрим юртдошларимизнинг лоқайдлиги, бепарволиги натижасида қишлоқ хўжалиги экинзорларининг пайҳон қилинаётгани хусусида бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 10 декабрь кундаги «Қишлоқ хўжалиги экинларини пайҳон қилинишига қарши курашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинган эди. Утган давр мобайнида мазкур қарор ижросини таъминлаш борасида Ички ишлар вазирлиги соҳавий хизматлари ва уларнинг тизимлари томонидан бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Жойларда ички ишлар идоралари ходимлари ўзини ўзи бошқариш

ҳодимлари ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда қишлоқ хўжалиги экинларининг пайҳон қилиниши ва нобуд бўлишининг олдини олишга бағишланган профилактик тадбирлар амалга оширилмоқда. Чорва молларини экинзорлар ҳудудига киришига йўл қўймаслик мақсадида аҳоли ва фермерлар ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориляпти. Жумладан, ички ишлар идоралари ходимлари томонидан маҳаллий ҳокимликлар ва ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда 6111 маротаба маҳаллаларда учрашувлар ташкил этилди.

Бугунги кунда галла экин майдонларини пайҳон қилинишининг олдини олиш мақсадида республикамиз бўйича 1339 та кузатув гуруҳи тузилган бўлиб, уларга 4534 нафар ички ишлар

ҳодимлари, 5027 нафар маҳалла посбонлари сардорлари ва 19964 нафар дала қоровуллари жалб этилган.

Олиб борилаётган профилактик тадбирларга қарамай пайҳон билан боғлиқ ҳолатлар ҳамон кузатишмоқда. Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш Бош бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, жорий йилнинг ўтган даврида 1441 та галла экинзорларини пайҳон қилиш ҳамда 49 та тут дарахларини ноқонуний кесин ҳолати аниқланди. Пайҳон билан боғлиқ ҳолатлар айниқса, республикамизнинг Фарғона, Қашқадарё, Жиззах ва Тошкент вилоятларида кўпроқ кузатишмоқда. Тадбир давомида 108,25 гектар галла экинзори пайҳон қилиниши оқибатида фермер хўжаликлари иқтисодига 66.899.675 сўм миқдорда молдий зарар етказилгани маълум бўлди. Суллар томонидан айбдор шахслардан 58 млн. сўмдан зиёд миқдорда молдий зарар ундирилди. Икки нафар фуқарога нисбатан жиноят ишлари қўзғатилди.

Тадбир жараёнида аниқланган ҳолатлар бўйича жами 2038 бош қорамол ва 4116 бош

қўй-эчки ушланди. Галла майдонларини пайҳон қилганини учун жойлардаги маъмурий комиссияларнинг қарорларига асосан 56 бош қорамол ва 159 бош қўй-эчки сўйилиб, уларнинг гушти кам таъминланган оилалар, болалар боғчалари ва мактаб-интернатларга тарқатилди.

Кези келганда яна бир мулоҳаза. Ички ишлар идоралари ходимлари бу борадаги ишларни давом эттириверадилар, албатта. Аммо жойлардаги маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари фаоллари галлазорлар пайҳон қилинишига йўл қўймаслик борасида аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб борсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ахир қачонгача ризқирўзимиз бўлган бугдойзорлар пайҳон қилинишининг олдини олиш мақсадида мамлакатимиз миқёсида махсус қарор қабул қилинаверадими?! Наҳотки айрим юртдошларимизни тўғри фикрлашга, номимизни увол қилмасликка ўргата олмасак?! Дунёда кузатилаётган глобал иқтисодий инқирознинг олдини олиш бир тутам бошоқни, бир ҳовуч бугдойни асраб-авайлашдан бошланмайди!?

Юртимиз фаровонлиги, дастурхонларимиз тўқинлиги галлазорларимизнинг бус-бутунлигига боғлиқ экан, пайҳонга йўл қўймайлик.

Норали ОЧИЛОВ,  
ИИБ Матбуот маркази  
бош инспектори,  
лейтенант.

## НОБУДГАРЧИЛИККА ЙЎЛ ҚЎЙМАЙЛИК

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги асосан галлачилик ва пахтачиликка ихтисослашган. Халқимизнинг ризқирўзи, дастурхонимиз кўрки, таомлар султони бўлган номимиз далаларга сочилган донлардан униб чиққан майсалардан олинди. Ҳозирда далалардаги кўзни қувонтирувчи майсалар яна бир неча ойдан кейин бўлиқ галлазорларга айланади. Айни пайтда эса уни пайҳондан асраш муҳим вазифадир.

Сурхондарё вилояти ички ишлар идоралари ходимлари маҳаллий ҳокимликлар, ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа мутасадди идораларнинг вакиллари билан ҳамкорликда пайҳонга қарши кенг кўламда профилактик тадбирларни амалга оширмоқда. Галла майдонлари, қишлоқ ва овулларга яқин ҳудудларда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориляпти. Йўллар ва кўприклар яқинидаги майдонларга чорва моллари тушишининг олдини олиш учун четанлар ўрнатилди.

Маълумки, маҳалла фаоллари, жамоат ташкилотлари, маҳалла посбонлари билан ҳамкорлик профилактика инспекторларининг иш амалиётига айланган. Пайҳонга қарши кураш ҳам биргалликда амалга ошириляпти. Барча маҳаллалар атрофида экин майдонлари бор. Шунинг учун ушбу гушаларда пайҳоннинг олдини олиш ва унга қарши курашувчи 300 тадан ортиқ кузатув масканлари ташкил этилган. Уларга дала қоровуллари бириктирилган. Вилоят бўйича 900 нафардан ортиқ қоровул фаолият кўрсатаёпти.

Савий-ҳаракатларга қарамай айрим фуқаролар қишлоқ хўжалиги экинлари нобудгарчилигига йўл

қўймоқда. Улар чорва молларини назоратсиз қолдириши оқибатида галлазорларга зарар етказиляпти. Биргина январь ойида пайҳон билан боғлиқ 32та ҳолат аниқлангани бунинг исботидир.

Кумқўрғон тумани Янги-қишлоқ маҳалласида яшовчи Муҳилдин Қиличевнинг икки бош қўйи М. Ҳиммат ўғли фермер хўжалиги даласига тушган. Қизирик тумани Охунбобоев маҳалласида истиқомат қилувчи Холмурод Йўлдошевнинг 8 бош қўйи ва эчкиси қоровсиз қолдирилган. Оқибатда Олимжон фермер хўжалиги экинзорига тушган моллар анча жойдаги майсаларни нобуд қилган. Пахтакор фуқаролар йиғини қарорига биноан бир бош қўйи сўйилиб, қишлоқ хўжалик техникалари таъмири билан шуғулланаётган ишчиларга иссиқ овқат қилиб берилди.

Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Галла — ризқирўзимиз, бойлигимиз. Шунинг учун пайҳонга қарши кураш нафақат ички ишлар ходимлари, балки кенг жамоатчиликнинг вазифаси бўлмоғи керак.

Абдурасул ХЎЖАМКҮЛОВ,  
капитан.

Сафарали  
ОМОНТУРДИЕВ.

Сурхондарё вилояти.

## КҮРИК-ТАНЛОВ

## «СИЗ ҚОНУНИ БИЛАСИЗМИ?»

Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ташаббуси билан Олий ва ўртамахсус таълим вазирлиги, Адлия, Ички ишлар вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳамда Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ҳамкорлигида қарийб ўн йилдан буён «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда.



Бу йилги республика босқичи беллашувларига Бухоро шаҳри мезбонлик қилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларнинг ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларидан иборат 14 жамоа ғолиблик учун баҳс олиб боришти.

Муросасиз кечган беллашувлар натижасига кўра, Тошкент вилояти Бекобод шаҳрининг «Соҳибқирон» жамоаси тенгсиз, деб то-

пилди. Фарғона вилояти Фарғона шаҳрининг «Status-KVO» ва Тошкент шаҳар Учтепа туманининг «Камолот» жамоалари иккинчи ўринни қўлга киритишти. Учтинчи ўрин эса Наманган, Бухоро ва Жиззах вилоятлари билимдонларига насиб этди.

— Баҳслар қизиқарли ўтди, — дейди кўрик-танлов ҳакамлар ҳайъати аъзоси, республика ИИБ ШТББХ МТБ катта инспектори, подполковник

Гулбахор Амердинова. — Бундай кўрик-танловларнинг ўтказилиши аввало, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда ҳамда уларнинг ҳуқуқий савоҳонлигини оширишда муҳим омил бўлади.

Ғолиб жамоаларга диплом ва эсадалик совғалари топширилди.

Ф. АЗИЗОВ.

Суратда: кўрик-танловдан лавҳа.

Бухоро вилояти.

## ИИБ Матбуот маркази хабарлари

### «ДАМАС»ДАГИ ТАЛОНЧИ

М. Сарвар бозордан чиқаётганда бир кимса қўлидаги уяли телефонни юлиб олиб, йўл четида турган «Дамас»га ўтиришди-да жуфтакни ростлаб қолди. Фарғона вилояти Кўқон шаҳар ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган тадбир натижасида ушбу жиноятни Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида яшовчи А. Олим содир этганида гумонланиб, қўлга олинди.

### ЗАНЖИР МОЖАРОСИ

Уй бекаси С. Ирода ўша кун қариндошиникига меҳмонга чақирилганди. У кўзлаган манзилига стай деганда кимдир ортидан келиб, бўйнидаги занжирни юлиб қочди. Ирода вақтини зое кетказмай зудлик билан бу ҳақда Навоний шаҳар ИИБ ходимларига хабар берди. Қўрилган чора-тадбирлар натижасида ушбу жиноятни лицей талабаси Н. Давлат содир этганилиги аниқланди.

### ЗАРГАРЛИК БУЮМЛАРИ ТОПИЛДИ

Тошкент шаҳрининг Миробод туманида яшовчи М. Дилноза бир иш билан кўчага чиқиб кетиб, қай-

тиб келганида уйнинг эшиги очик турганини кўриб хавотирга тушти. Ичкарига кирганида ҳаммаёқ алғовдалғов бўлиб ётганди. Дилноза биринчи бўлиб заргарлик буюмлари туралгани жойини кўздан кечирди. Аммо у ер бўм-бўш эди.

Воқеа жойига етиб келган ички ишлар ходимлари қолдирилган излар орқали ушбу жиноятни содир этган шахсни излашга кириштишти. Қўрилган тезкор чоралар натижасида Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрида яшовчи С. Дмитрий гумонланиб, қўлга олинди.

### ПИЁДАНИ УРИБ ҚОЧИБ КЕТДИ

Қашқадарё вилоятининг Гузюр туманида номаълум шахс автомашинада Д. Абдулгани уриб юбориб, воқеа жойидан қочиб кетди. Натижада жабрланувчи жароҳат олиб, касалхонага ётқизилди. Ички ишлар ходимлари томонидан қўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида ушбу жиноятни Н. Собир «ВАЗ-2103» русумли автомашинасида содир этганилиги аниқланиб, қўлга олинди. Мазкур ҳолат юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Ё. БОБОЖОНОВ,  
сафдор.



## МЕҲР КЎРСАТИБ

БОЛАЛАРНИНГ  
БЕГОНАСИ ЙЎҚ

**Ўзбекистон Республикаси ИИБ Хотин-қизлар кенгаши вазирлигининг мустақил Бош бошқармалари, бошқармалари, ўқув муассасалари билан ҳамкорликда Чирчиқ шаҳридаги 14-Меҳрибонлик уйида хайрия тадбири ўтказди. Тадбирда сўзга чиққан вазирлик Хотин-қизлар кенгаши раиси, полковник К. Султонова ташрифдан мақсад – тарбияланувчилар билан яқиндан танишиш, уларнинг ўз ҳаёт йўллари топиб олишлари учун оз бўлса-да ҳисса қўшиш, маънавий далда бўлиш, моддий қўллаб-қувватлаш эканлигини таъкидлади.**

Шунингдек, ИИБ Хотин-қизлар кенгаши раиси ўринбосари, майор Б. Солиқова ҳам сўз олиб, болаларнинг ўз орзу-ниятларига етишиши учун жиддий ўқиш, намунали хулқ эгаси бўлишга, чуқур билим олишга чақирди.

Меҳмонлар тарбияланувчиларга атаб олиб келинган совғалар: мусиқа маркази, турли кийим-кечак, спорт анжомлари, китоблар, ўйинчоқ ва қандолатчилик маҳсулотларини хушнудлик билан бирма-бир топширишди.

Тарбияланувчиларнинг ҳеч бири бу совғалардан бенасиб қолмади.

Совға-саломларни мамнуният билан қабул қилган болалар самимий раҳмат айтиб, ўзларининг концерт дастурини ҳавола этдилар. Ўз навбатида вазирлик томонидан болаларга қувонч ва шодлик улашиш ниятида борган ИИБ Ашула ва рақс ансамблининг хонандалари ҳам уларга ўз санъатларини намойиш этишди.

Аввалига ётсираб, йиманиб турган болалар кўп ўтмай меҳмонлар билан биргаликда рақсга тушиб, тортинмай муомала қила бошлашди. Ўртадаги илиқлик ва ишонч бир зумда барчанинг чеҳрасида кулгу ва табассум бўлиб лаврага ёйилди.

– Шаҳримиздаги Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига зарур шарт-шароитлар яратиш, таълим-тарбия бериш тизимини яхшилаш, парвариллаш, уларни ҳар томонлама барқамол этиб вояга етказиш асосий вазифамиздир, – дейди Чирчиқ шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Ш. Ирисметова. – Шаҳар ҳокимлиги томонидан мазкур муассасага алоҳида эътибор қаратилгани боис, бу ерда таъмирлаш ишлари билан бир қаторда, қўшимча бинолар қурилиб, зарур жиҳозлар билан таъминланди.

– Мақташ эмас-ку, аммо асраб олинган бир неча болаларнинг бош тортиб яна Меҳрибонлик уйига қайтиб келишини бу даргоҳда таълим-тар-

бия, маънавий муҳит, ўзаро муносабатларнинг яхши йўлга қўйилгани десам муболаға бўлмас, – дейди шаҳар “Маҳалла” хайрия жамғармаси раиси Д. Пулатова. – Мана шу болалар турли миллат вакилларининг фарзандлари. Таълим-тарбия шундай йўлга қўйилганки, улар орасида на миллий, на бошқа тафовут кўрасиз. Улар ҳар икки тилда бемалол сўзлашади. Бир-

натлари ётганини англаш қийинмас.

Айтиш жоизки, ҳар бир тарбияланувчи бу ерга тақдир зайли билан келиб қолган. Айримларининг ота-онаси йўқ, айримлариники бор. Баъзилари хабар олиб туришса, баъзилари умуман келишмайди. Биз уларнинг кўнгилни олиш, ўқситмаслик баробарида, уларни маънан ва жисмонан чиниқти-



бирларига катта оила фарзандларидек яқин ва қадрдон. Катталар кичикларнинг ҳимоячиси.

Дарҳақиқат, бу ерда тарбияланувчиларнинг ўзаро аҳдлиги, катталар кичикларни иззат қилаётганини, кичиклар катталарнинг ҳурматини ўрнига қўяётганини кўриб, улар ҳалқаларнинг ажралмас бир бўлагига айланганини ҳис қиласиз. Бунинг ортида эса мазкур даргоҳда уларни ўз фарзандларидек кўриб, бор меҳр-муҳаббатини аямаётган, бой маънавий озуқа бераётган ўн икки нафар моҳир, ўз ишининг фидойилари бўлган тарбиячи-педагогларнинг машаққатли ва бетиним меҳ-

ришни ҳам мақсад қилиб қўйганмиз. Шу мақсадда тарбиячиларимиз туну кун улар билан биргаликда десам ёлғон бўлмас. Айниқса, ўз касбининг жонкуярлари С. Абдужабборов, В. Кузнецов, ҳамшира И. Зуфарова калбларининг номини тилга олмай илож йўқ.

Ушбу муассасада болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, ўз сеvimли машғулоти билан шуғулланиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Улар компьютер хонаси, ахборот ресурс маркази, спорт тўғарақларида шуғулланиш, расм, бичиш-тикиш, каштачилик, нақшлар ишлаш, юмшоқ ўйин-

чоқлар яшаш билан бирга ҳовлидаги иссиқхонада сабзавотлар етиштириш, томорқа ишларини ҳам ўрганишмоқда.

Меҳрибонлик уйининг қайси бурчагига кўз ташламанг болаларнинг ўз қўллари билан, меҳр қўрини бериб ишлаган нарсаларига дуч келасиз. Уларни томоша қилар экансиз, болалар фантазиясининг нақадар гўзал, бетакрор, бой ва чексиз эканлигидан ҳайратланасиз.

Меҳрибонлик уйи раҳбарияти тарбияланувчиларнинг руҳий-маънавий аҳволига ҳам катта эътибор беришини даргоҳда алоҳида «Саломатликни тиклаш» хонаси ажратилиб, у руҳиятга ижобий таъсир этувчи манзарали буюмлар билан жиҳозланганлигидан ҳам билса бўлади. Буларнинг барини болажонларнинг ўзлари ясаб, тайёрлашган.

– Кутубхонамизда 18 мингга яқин турли адабиётлар бор, – дейди Меҳрибонлик уйи кутубхоначиси Г. Каландарова.

– Кичик ёшдаги болалар кўпроқ эрта китоблар ишқибози бўлишса, битирувчи синф ўқувчилари аниқ бир фанларга оид, касбга йўналтирувчи адабиётларни, шунингдек, турли хил энциклопедиялар, даврий нашрларни мутолаа қилишди.

Мазкур Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари билан утган талбир лавомида меҳмонлар кичкинтойлар ўртасидаги ўзаро илиқ муносабат, хушмуомалалик, меҳр-оқибат, тартиб-интизом, тарбиячи-педагогларнинг болаларга ўз фарзандларидек муносабатини кўриб, улар тақдири ишончли қўлларда эканлигига амин бўлишди.

**Муҳаббат ИБРАГИМОВА,**  
«Постда» мухбири.  
Суратда: тадбирдан лавҳа.  
**Абу КЕНЖАЕВ**  
олган сурат.



## ЭЪЗОЗ

ХИВА  
ЗИЁРАТИ

Яқинда Қашқадарё вилояти ИИБнинг бир гуруҳ фахрийлари кўҳна ва навқирон – Хива шаҳрини зиёрат қилишди.

– Жаҳон меъморий дурдоналари қаторидан ўрин олган муқаддас шаҳарнинг тарихий обидаларини кўриб қалбимиз ҳаяжонга тўлди, – дейди Қашқадарё вилояти ИИБ фахрийлар кенгаши раиси Солиқ ака Исломов. – Айниқса, етти иқлимга донғи кетган Паҳлавон Маҳмуд қадамжосини

зиёрат қилиб, маънавий озуқа олди. Меҳмондўст хоразмликлардан, бизни иззат-ҳурмат билан кутиб олган вилоят ИИБ раҳбарияти ҳамда зиёратни ташкиллаштирган Қашқадарё вилояти ИИБ масъул ходимларидан миннатдоримиз.

Бу ташриф дўстлар учрашуви билан ҳам алоҳида аҳамият касб этди. Шу



Суратда: Хива тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари, подполковник Фарҳод Матназаров бир гуруҳ зиёратчиларга Хива ҳақида сўзлаб бермоқда.

куни бирга ўқиган қашқадарёлик ва хоразмлик курсдошлар Хивада дийдор кўришиб, бир ниёла

чоё устида дилдан суҳбатлашганиди.

**Бекмурод УСМОНОВ,**  
Муаллиф олган сурат.  
Хоразм вилояти.

## МУРУВВАТ

ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРГА  
ҚУВОНЧ УЛАШИБ

Самарқанд шаҳар ИИБ ХЧК ва ФРБ ходимлари паспорт-виза тартиботини назорат қилиш, фуқаролар томонидан паспорт тизими қондаларининг бузилиши ҳолатларининг олдини олиш мақсадида доимий равишда кенг қамровли профилактик тадбирлар ўтказиб туришди. Айтиш жоизки, ходимлар шунингдек, меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига ғамхўрлик кўрсатишни ўз бурчлари деб биладилар. Яқинда улар яна бир савоб ишга қўл урдилар. Самарқанддаги 10-Меҳрибонлик уйининг турт нафар тарбияланувчисига фуқаролик паспорти топширилди. Кўрсатилган алоҳида эътибор ва ғамхўрлик учун Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари миннатдорчилик билдириб, ички ишлар ходимларига ўзлари тайёрлаган куй ва қўшиқларни ижро этиб беринди.

**Дилбар САЛОХИДДИНОВА,**  
Самарқанд вилояти.



# ROSTDA-TV

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

27-aprel – 3-may

«YOSHLAR» ШАНБА, 22.30

Жаҳон киноси: «Инспектор Гажет».



«YOSHLAR» ЯКШАНБА, 21.30

Ҳинд киноси: «Девдас».



## МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгуси ҳафта учун

### ҚҮЙ



Юлдузлар моддий аҳволни яхшилаш имконияти пайдо бўлишдан дарак берапти. Банкда шахсий ҳисоб очиш, пул қўйиш, молиявий ишлар учун қулай бўлади. Қариндош-уруғлар томонидан ҳам моддий кўмак келиши мумкин. Калонди-моғлик, манманлик обрўни кетказишини унутманг.

### СИГИР



Ташқи кўрини-шингизга кўпроқ эътибор бериб, кийимларни янги-лашга тўғри келади. Қиёфани ўзгартиришнинг айна вақти. Ёлғон, уйдирма гапларга ишониб турли оқимларга тушиб қолишдан эҳтиёт бўлинг. Атрофдагилар билан муносабат, мулоқотда эҳтиёткорлик зарур бўлади.

### ЭГИЗАКЛАР



Дам олиш, хордиқ чиқариш учун қулай ҳафта бўлади. Ижодий ва жисмоний ишларга кўп куч-қувват сарфлашга тўғри келади. Жамоадаги турли қарама-қарши режалар, лойиҳаларда иштирок этмасликни маслаҳат берамиз. Тавakkал ишларга нисбатан ўйлаб, аниқ баҳо берган маъқул.

### ҚИСКИЧБАҚА



Келгусидаги иш режаларини тузиб олишнинг айна вақти. Режа ва лойиҳаларда ҳамфикрлар топишга ҳаракат қилинг. Дўстлар билан мулоқот қилиш, маслаҳатлашишга вақт ажратинг. Маслакдошлар орасида танилиб, йўлбошчилик қилишга тайёр туришни маслаҳат берамиз.

### АРСЛОН



Қўлдан келмайдиган ишга уринмаган маъқул. Беҳуда ҳаракат қилгандан кўра касб мутахассисидан ёрдам олиш лозим бўлади. Касални ўзбилармончилик билан даволаш, шифокор тавсия этмаган дориларни қабул қилиш саломатликка путур етказишини эслатиб қўямиз.

### БОШОҚ



Билимни оширишга ҳаракат қилинг. Ҳафта ижодий, илмий ишларни бажариш учун қулай бўлади. Эҳтиросли уйинлар, лотореяларда иштирок этмасликни маслаҳат берамиз. Саломатликни тиклаш, касални даволаш учун вақт, маблағ ажратинг.

### ТАРОЗИ



Инвестиция лойиҳалари, кредит ишларида иштирок этиш яхши натижалар бериши кутиляпти. Шахсий ва иш юзасидан муносабатларда ён босиб, ижобий ҳал бўлиш йўлларини излашни маслаҳат берамиз. Бироқ қарор қабул қилишда шонилмаслик лозим.

### ЧАЁН



Умр йўлдошингиз ва сеvimли кишингиз билан муносабатларни яхшилашга алоҳида эътибор беринг. Ишқий тугёнлар боис, ҳар бир ишда ўзингизни кўрсатиб, ташаббускор бўлишга ҳаракат қиласиз. Хабар ва маълумотларни текшириб кўрмагунча ишонмаслик лозим.

### ЁЙ



Кундалик ишларда куч ва қобилиятингизни намоён этиш имкониятидан тўғри фойдаланинг. Даволаниш, пардоз-андоз ишлари учун вақт ажратиш лозим бўлади. Парҳез қилишни маслаҳат берамиз. Эҳтиросли уйинларда иштирок этишингиз мумкин.

### ТОҒ ЭЧКИСИ



Болалар тарбияси билан шуғулланишга кўпроқ вақт ажратинг. Турли танлов, мусобақа, викториналарда қатнашиш учун қулай бўлади. Оилада баъзи қийинчилик, келишмовчиликлар келиб чиқишига йўл қўйманг. Бунинг учун босиқ бўлиб, бамаслаҳат иш тутиш лозим.

### ҚОВГА



Оила, хонадондаги айрим масалалар ечимини топиш имконияти бўлади. Торморқа, боғларда ишлаб, жисмонан чиникишга ҳаракат қилинг. Сафар, саёҳатларга боришга шонилмаган маъқул. Турли хабар, янгиликлардан воқиф бўлишингиз мумкин.

### БАЛИҚ



Янги молиявий лойиҳаларни бошламай, иштирок этмай туришни маслаҳат берамиз. Пул билан боғлиқ режалар амалга ошмай қолиши мумкин. Қисқа саёҳат, сафарга чиқиб кўнгли-да олишга, саломатликни тиклашга вақт, маблағ ажратишга ҳаракат қилинг.

**«O'zbekiston»**

5.55 Курсатувлар дастури.  
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
7.00 «Иклим».  
7.05 ТВ - анонс.  
7.10 ТелеТеатр: «Фармонбиби аразлади».  
7.50 «Олтин мерос».  
8.00 «Тахлилнома».  
8.40 «Довюррак самурай». Т/с.  
9.20 «Маънавият» дастури.  
10.20 «Изҳор».  
«Болалар сайёраси»;  
10.25 «Болалар дунёси».  
10.45 «Тандир нон». М/ф.  
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».  
11.00 «Ахборот».  
11.10 «КиноТеатр».  
11.35 Тошкент - 2200.  
«Кўхна Тошкентини».  
11.55 ТВ - анонс.  
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
12.50 «Иклим».  
12.55 Миллий кино: «Бахт қадри».  
14.00 «Ахборот».  
14.15 «Ватанпарвар».  
14.55 ТВ - анонс.  
15.00 «Олам ва одам» дастури: «Самовий археология».  
15.50 «Саёхатга марҳабо!»  
16.15 «Бир кун».  
16.40 «Ўзбекистон табиати».  
17.00 «Ахборот».  
17.10 ТВ - анонс.  
17.15 «Ҳаёт ва қонун».  
«Болалар сайёраси»;  
17.35 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».  
17.55 «Сизнинг адвокатингиз».  
18.00 «Олтин мерос».  
18.05 Т/с «Алишер Навоий».  
18.40 «Очун».  
18.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Нақшлар камалаги».  
19.00 «Камолот остонаси».  
19.20 «ТВ - шифокор».  
19.30 «Ахборот». (рус).  
20.00 ТВ - анонс.  
20.05 «Адолат тарозиси». Т/с.  
20.45 «Ватанимни куйлайман».  
20.50 ТВ - анонс.  
21.00 «Ахборот».  
21.30 «Парламент вақти».  
21.50 «Довюррак самурай». Т/с.  
22.30 «Иклим».  
22.35 «Уч ранг: кўк». Б/ф.  
00.05 Тунги наволар.

**«Uzbekistan»**

00.15 Курсатувлар дастури.  
00.20 «Ватанпарвар».  
01.00 «Ахборот». (рус).  
01.30 ТВ - анонс.  
01.35 «Бир кун».  
02.00 «Маънавият» дастури.  
04.00 «Ахборот».  
04.30 ТелеТеатр: «Фармонбиби аразлади».  
05.10 «Ўзбекистон табиати».  
05.30 «Очун».  
05.40 Тонги наволар.

**«Yoshlar»**

13.55 «Yoshlar» салони.  
14.00 «Камолот».

14.10 «Диёнат». В/ф.  
14.45 «Ҳотира ва кадр».  
14.50 «Бугундан эсдалик».  
15.10 «Юртим юраги».  
15.15 «Афсона ва ҳақиқат».  
Илмий-маърифий дастур.  
15.30 «Шарҳ дарвозаси».  
15.35 «Илҳом қанотлари».  
15.55 «Ўзбек адабиёти».  
16.00 «Давр».  
16.10 «Муъжизавий дунё».  
16.35 «Сувни асранг!».  
16.40 «Тошкентнома».  
16.55 «Пойтахт».  
17.00 «Давринг боласи».  
17.10 «Эртақлар оламида».  
18.25 «Ўзбек адабиёти».  
18.30 Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили: «Кишлоқдаги қадрдон».  
18.40 «Тошкент - 2200».  
18.50 «Ватан меҳри».  
18.55 «Ардоқ».  
19.00 «Давр».  
19.30 «Баҳор таровати». Т/с.  
20.20 «UzEX».  
20.30 «Автопатруль».  
20.50 «Навбатчи».  
21.00 «Ўзбек адабиёти».  
21.05 Қасамед». Т/с.  
21.55 «Онажон қишлоғим».  
22.00 «Давр».  
22.30 «Сунмас юлдузлар».  
22.50 «Ҳаёт-мамот». Т/с.  
23.35 «Юрт тинчлиги».

**«Тошкент»**

17.50 Курсатувлар тартиби.  
17.55 Мультфильм «Ака ука Гримлар» 3-қисм.  
18.05 «Телекурьер - маркет».  
18.20 «Тошкент-2200».  
18.25 «Анонс».  
18.30 «Пойтахт».  
18.50 «Анонс».  
18.55 Т/с «Муҳаббат қаҳва-си».  
19.20 Бизнес - «Пойтахт».  
19.25 «Музыка SMS».  
19.45 «Анонс».  
19.50 «Саломат бўлинг». (рус).  
20.00 «Пойтахт» (рус).  
20.20 Бевосита мулоқот.  
21.00 Т/с «Милагрос» (рус).  
21.25 «Анонс».  
21.30 «Пойтахт».  
21.50 «Уйларим».  
21.55 «Жозиба».  
22.15 «Аёл қалби».  
22.30 «Телекурьер-маркет».  
22.50 Кино: «Қадрдон уй».

**«Sport»**

7.00 «Бодрое утро».  
8.00 «Талқин».  
8.35 «Малахов+».  
9.30 «Версия».  
10.00 М/с «Академия тенниса».  
10.25 «Вилот спорти».  
11.25 ФУТБОЛ. «БАВАРИЯ» - «БАРСЕЛОНА».  
18.00 «Тет-а-тет».  
18.10 «Умид ниҳоллари».  
18.30 «Хабарлар» (рус).  
18.50 Бел олиш кураши.  
19.10 «АЗИЯ ЛОТО».  
19.50 ФУТБОЛ. «НЕФТЧИ» - «ШУРТАН».  
21.30 «Хабарлар»  
21.50 От спорти. Жаҳон кубоги.  
22.20 Интерфутбол.  
23.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

**«Первый канал»**

4.00, 8.05 «Доброе утро».  
8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00, 23.35, 2.00 Новости.  
8.30 Малахов +.  
9.30 Модный приговор.  
10.25 Контрольная закупка.  
11.20 «АГЕНТ НАЦИОНАЛЬНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ». Фильм.  
12.20 «Детективы».  
13.25 Понять. Простить.  
14.15 «Хочу знать».  
14.50 «Давай поженимся!».  
15.55 Федеральный судья.  
17.20 Т/с «СЛЕД».  
18.05 «Жди меня».  
18.55 «Богатая и любимая». Фильм.  
20.00 «Время».  
20.30 Фильм «Застава Жилина».  
21.35 «Кристина Орбакайте. Дочка матери».  
22.35 «Познер».  
23.55 Гении и злодеи.  
0.25 Комедия «Девушка деловая».  
2.25 Комедия «Каникулы семьи Джонсон».

**«Россия»**

4.00 Доброе утро, Россия!  
7.55, 11.10, 13.40 Фильм «Большая перемена».  
9.50, 13.00, 16.00, 19.00, 22.50, 3.30 Фильмы.  
10.50 Мультфильмы.  
15.30 «КУЛАГИН И ПАРТНЕРЫ».  
17.00 «ОДНАЖДЫ БУДЕТ ЛЮБОВЬ». Т/с.  
18.00 «КАРМЕЛИТА. ЦЫГАНСКАЯ СТРАСТЬ». Т/с.  
19.50 Спокойной ночи, малыши!  
20.00 Т/с «Участковая».  
21.50 «Мой серебряный шар. Татьяна Самойлова».  
23.10 Фильм «Нулевой вариант».  
0.45 Комедия «Филадельфийская история».  
2.35 Комната смеха.  
3.20 «Ха». Комедия.  
3.40 Дневник Чемпионата мира по хоккею.

**НТВ**

5.00 «Сегодня утром».  
8.00 Квартирный вопрос.  
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 22.00 Сегодня.  
9.25, 14.30, 17.30 Чрезвычайное происшествие.  
10.00 Следствие вели...  
11.00 Суд присяжных.  
12.35 Т/с «ВОЗВРАЩЕНИЕ МУХТАРА».  
15.30 Т/с «ЧАС ВОЛКОВА».  
18.40 Т/с «ОПЕРГРУППА».  
20.40 Т/с «УГРО-2. ШАНТАЖ».  
21.40 Ты не поверишь! Обзор.  
22.25 Боевик «ЭКСПЕРТ».  
0.10 Футбольная ночь.  
0.45 Комедия «БЕЗУМНАЯ СЕМЕЙКА».  
2.35 Фильм «ПОЮЩИЙ ДЕТЕКТИВ».  
4.15 Т/с «ВСЕ ВКЛЮЧЕНО»

**ТВ 3**

7.00 Мультфильмы.  
10.00 Т/с «ЧЕЛОВЕК-НЕВИДИМКА».  
11.00 «ТЮРЬМА ОСОБОГО

НАЗНАЧЕНИЯ». Т/с.  
12.00 «ПРИКЛЮЧЕНИЯ ИНДИАНЫ ДЖОНСА». Т/с.  
16.00 Док. фильм «Разрушители мифов».  
16.50 «Упс!»  
17.15, 2.00 Т/с «ПСИ-ФАКТОР».  
18.10 Т/с «ВАВИЛОН 5».  
19.05 «ЧЕЛОВЕК-НЕВИДИМКА». Т/с.  
20.00 Т/с «МОЯ ЛЮБИМАЯ ВЕДЬМА».  
21.00 Док. фильм «Тайные знаки. Генерал-Предатель: 25 лет довойной игры».  
22.00 Док. фильм «Затерянные миры».  
23.00 Х/ф «ВОССТАВШИЙ ИЗ АДА-2».  
1.00 Т/с «ЗВЕЗДНЫЕ ВРАТА».  
3.00 «ТЮРЬМА ОСОБОГО НАЗНАЧЕНИЯ». Т/с.  
4.00 Х/ф «ИЗМЕНЕННАЯ УЧАСТЬ».  
6.00 Релакс.

**ТНТ**

5.00 «Антология юмора».  
5.55 «Наши песни». Жасмин.  
6.00 Такси.  
6.30, 10.00 «Никеллодеоны».  
7.00 «Привет! Пока!».  
7.30 «Убойная лига».  
8.30 «Убойной ночи».  
9.00 «Женская лига». Комедия.  
9.30, 12.30, 17.00, 18.30 «СЧАСТЛИВЫ ВМЕСТЕ». Комедия.  
13.00, 18.00 Такси.  
13.30, 20.00, 23.00, 3.30 «Дом-2. Live».  
14.25 «ДОМИНО». Боевик.  
17.30 «УНИВЕР». Ситком.  
19.30 «УНИВЕР». Ситком.  
21.00 Комедия «ДЕВУШКА МОЕГО ЛУЧШЕГО ДРУГА».  
23.30 «Убойной ночи».  
0.00 «БУНКЕР, ИЛИ УЧЕНЫЕ ПОД ЗЕМЛЕЙ». Т/с.  
0.30 Клуб бывших жен.  
1.30 «ДЕНЬ ОТЦА». Комедия.  
4.20 «САША + МАША». Комедия.

**СТС**

7.00, 14.30 Мультфильмы.  
8.30, 10.30, 18.00, 20.00 Комедия «ПАПИНЫ ДОЧКИ».  
9.00, 21.00 «РАНЕТКИ». Драмеда.  
10.00, 1.00 Истории в деталях.  
11.00, 17.00 «Галилео». Журнал.  
12.00 Комедия «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».  
13.00 «ЧЕМПИОН». Мелодрама.  
14.00 Комедия «ДОМ КУЗЬКОМ».  
16.30 Комедия «ХАННА МОНТАНА».  
18.30 «КАДЕТСТВО». Драмеда.  
19.30 «6 кадров».  
22.00 «КРЕМЛЕВСКИЕ КУРСАНТЫ». Драмеда.  
23.00 Кино «ДАНДИ ПО ПРОЗВИЩУ «КРОКОДИЛ»».  
0.50 «6 кадров».  
1.30 «Кино в деталях».  
2.30 Кино «ЯРОСТЬ КЭРРИ-2».  
4.30 «ТАЙНЫ СМОЛВИЛЯ».  
Х/ф.  
6.10 Музыка.

**ДТВ**

7.00 Клуб детективов.  
7.55 Музыка.  
8.00 Мультфильмы.  
9.30 Тысяча мелочей.  
10.00 «Вне закона».  
10.30, 17.00 Детектив «МОРСКАЯ ПОЛИЦИЯ: СПЕЦОТДЕЛ».  
11.30 Фильм «ПРИКАЗАННО ВЗЯТЬ ЖИВЫМ».  
13.30 «Смешнее, чем кролики».  
14.00 Судебные страсти.  
15.00 «Вне закона».  
15.30, 19.00, 22.30 Детектив «БЕЗМОЛВНЫЙ СВИДЕТЕЛЬ-3».  
16.00, 0.00 Детектив «ЗАКОН И ПОРЯДОК. СПЕЦКОРПУС-6».  
18.00 Судебные страсти.  
19.30, 23.00 Детектив «СЛЕПОЙ-2».  
20.30 «Смешнее, чем кролики».  
21.00 Детективное реалити «Брачное чтение».  
22.00 «Вне закона».  
1.00 «Голые приколы».  
1.30 Автоновости «Караданный вал +».  
2.00 Детектив «МЕРТВАЯ ЗОНА».  
2.50 Клуб детективов.  
4.50 Фильм-катастрофа «ИРИХОН. ГОРОД ОБРЕЧЕННЫХ-2».

**7 ТВ**

6.00 Super-утро.  
11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 19.00, 20.00, 21.00, 22.00, 23.00, 0.00, 1.00, 2.00, 3.00, 4.00, 5.00 «7 новостей».  
11.05, 20.05 KOTV: классика бокса.  
12.05, 19.05, 22.05 1.20 NBA Live!  
12.20, 17.05, 21.35, 1.05 NHL. Ежедневный обзор.  
12.35 Предельная глубина.  
13.05 Гандбол. Чемпионат России. Суперлига. Женщины. «Звезда» (Звенигород) - «Ростов-Дон».  
14.05 Планета рыбака.  
14.20 Спорт собак.  
14.35 История NHL.  
15.05 Классика: NHL.  
16.05 Море дайвинга.  
16.20 Охота в Новом Свете.  
16.35 Настольный футбол.  
17.20 Экстрим: начало века.  
18.05 Бега и скачки.  
18.35 Под водой с...  
19.20 Off-Road Drive.  
19.35 Звезда автострады.  
21.05, 1.35, 5.05 Мировой футбольный уик-энд.  
21.20 Итальянский футбол. Обзор серии «А».  
7.10 Миллий кино: «Дард».  
2-қисм.  
7.50 «Тонгги наволар».  
8.00 «Аҳборот».  
8.30 ТВ - анонс.  
«Болалар сайёраси»:  
8.35 «Бизнинг кутубхона».  
8.45 «Финли ва унинг дўстлари». М/ф.  
9.55 ТВ - анонс.  
10.00 «Саломатлик сирлари».  
10.20 «Минг бир хунар».  
10.35 «Ойдин ҳаёт». Токшоу.  
11.20 «Юртим бўйлаб» дастури: «Она замин инъомлари».  
11.30 «Хандалак». Ҳажвий курсатув.  
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
13.00 «Иклим».  
13.05 «Очиқ дастурхон».  
13.35 ТВ - анонс.  
13.40 Ҳинд киноси: «Пинҳона».  
«Болалар сайёраси»:  
16.25 «Курсичконнинг саргузаштлари». М/ф.  
17.40 ТВ - анонс.  
17.45 «Ҳамон ёдимда...»  
18.20 Кино: «Катта ойи».  
19.25, 20.55 Эълонлар.  
19.30 «Тахлилнома». (рус).  
20.00 «Оққуш». В/ф.  
21.00 «Тахлилнома».  
21.45 ТВ - анонс.  
21.50 «Заковат».  
22.45 «Севги мактуби». Б/ф.  
00.25 Тунги наволар.  
**«Uzbekistan»**  
00.35 Курсатувлар дастури.  
00.40 «Минг бир хунар».  
00.55 ТВ - анонс.  
01.00 «Тахлилнома». (рус).  
01.30 «Ойдин ҳаёт». Токшоу.  
02.15 «Заковат».  
03.10 «Ҳамон ёдимда...»  
03.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Она замин инъомлари».  
04.00 «Тахлилнома».  
04.40 Кино: «Кўргилик».  
05.45 Тонгги наволар.

**«Yoshlar»**

6.55 «Yoshlar» саломи.  
7.00 «Якшанба нонуштаси».  
7.20 «Ққалпоқ». ҳажвия.  
7.45 «Ардоқ».  
7.50 «Ўзбегим».  
8.20 «Русгор мактаби».  
8.50 «Соғлик - бойлик» - бойлик.  
9.10 «Баҳор таровати». Т/с.  
9.55 «Хотира ва кадр».  
10.00 «Ватанпарвар».  
10.40 Миллий сериал: «қонли олишув». 3-қисм.  
11.25 «Ўзбек адабиети».  
11.30 «Болалар давраси».  
12.00 «Эртақлар оламида».  
13.10 «Навоий набиралари».  
13.20 «Тошкент таронаси».  
13.30 «Қасамёд». Т/с.  
14.15 «Ватан меҳри».  
14.20 «Бугун».  
14.50 «Кўзгу». ҳажвия.  
15.15 «Ўзбек адабиети».  
15.20 «Камолот».  
15.30 «Эверест».  
16.00 «Жумонг». Т/с.

17.10 «Телевидение ватани».  
17.25 «Юртим юраги».  
17.30 «Кайнона». Б/ф.  
18.50 «Ватан меҳри».  
18.55 «Ардоқ».  
19.00 «Давр». ҳафта якуни.  
19.30 «Тараннум».  
20.10 «Табассум қил!»  
20.20 «Водий гавҳари».  
21.00 «Ёшлар парвози».  
21.30 Ҳинд киноси: «Девдас».  
00.30 «Юрт тинчлиги».

**«Тошкент»**

7.20 Курсатувлар тартиби.  
7.25 «Салом, Тошкент!»  
8.25 Бизнес - «Пойтахт».  
8.35 Т/с «Муҳаббат қаҳваси».  
9.00 «Телекуррьер - маркет».  
9.15 «Анонс».  
9.20 «Ягонамансан, Тошкентим!»  
9.30 «Пойтахт».  
9.40 «Тошкентда латифа».  
9.50 «Интервью».  
10.00 «Муסיқа SMS».  
10.20 «Анонс».  
10.25 «Тошкент 2200».  
10.30 «Пойтахт». (рус).  
10.40 «Анонс».  
10.45 Ҳинд киноси: «Бунганима дейсиз?» 1-2-серии.  
13.40 «Уйларим».  
13.45 «Телекуррьер-маркет».  
14.00 «Анонс».  
14.05 «Истеъдод».  
14.25 Болалар учун фильм: «Затура».  
15.55 «Саргузаштлар ороли».  
16.20 Анонс  
16.25 «Телекуррьер - маркет».  
16.40 «Муסיқа SMS».  
17.00 «Анонс».  
17.05 «Болаликка қайтиб».  
17.20 Театр: «Келинлар кўзголини» Ўзбек Миллий академик драма театрининг спектакли.  
19.20 «Анонс».  
19.25 Болалар учун. «Карвонсарой».  
19.35 «Телекуррьер-маркет».  
19.50 Анонс  
19.55 «Тошкентда латифа».  
20.00 «КИНОТАҚДИМ».  
20.25 «Открытая дверь».  
21.55 «Анонс».  
21.00 Кино: «Гладиатор».

**«Sport»**

8.00 «Бодрое утро».  
9.00 «Хабарлар» (рус)  
9.20 «Кувноқ стартлар».  
10.00 «Хабарлар»  
10.20 Баскетбол. Ўзбекистон чемпионати.  
11.20 «Гол».  
12.20 «Аптека слушает».  
13.05 ФУТБОЛ. «АНДИЖОН» - «КИЗИЛҚУМ».  
17.30 ФУТБОЛ. «ЛИВЕРПУЛЬ» - «НЬЮКАСЛ».  
19.20 «Версия».  
19.50 «АВТОГраф».  
20.20 «Спорт уик-энд».  
20.50 Европа футбол ҳафталиги.  
21.20 «Талқин».  
21.55 Футбол. Испания чемпионати.  
23.50 «Проффринг».  
00.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

**«Первый канал»**

5.00, 9.00, 11.00 Новости.  
5.10 Гении и злодеи.  
5.35 Фильм «Тревожное воскресенье».  
7.05 Смак.  
7.45 «Служу Отчизне!».  
8.15 Умницы и умники.  
9.20 «Непутевые заметки».  
9.35 «Пока все дома».  
10.25 Фазенда.  
11.10 «Татьяна Самойлова. Пятьдесят лет одиночества».  
12.15 Воскресный «Ералаш».  
12.45 «ДВЕ СУДЬБЫ. НОВАЯ ЖИЗНЬ». Фильм  
18.00, 20.20 «Две звезды».  
20.00 «Время».  
21.20 «Что? Где? Когда?» Финал.  
22.40 Фильм «В долине Эла».  
0.45 Фильм «Уолл-стрит».  
2.55 Док. фильм.

**«Россия»**

4.45 Комедия «Мы с вами где-то встречались».  
6.25 «Смехопанорама».  
6.55 Сам себе режиссер.  
7.40 Утренняя почта.  
8.15 Фильм «ТРИ ТАЛЕРА».  
10.00, 13.00, 19.00 Весели.  
10.50 «Городок». Дайджест.  
11.20 «Сто к одному». Телеигра.  
12.15, 13.20 Праздничный концерт, посвященный Дню внутренних войск МВД РФ.  
14.05 «Парк измайловский». Юмористический концерт.  
16.00, 20.05 «Танцы со звездами».  
20.15 Специальный корреспондент.  
20.45 Фильм «Сюрприз».  
22.45 «Звуковая дорожка».  
0.40 Боевик «Шанхайские рыцари».  
2.45 Комната смеха.  
3.30 «Ха». Комедия.  
3.40 Дневник Чемпионата мира по хоккею.

**НТВ**

4.05 Фильм «КАПКАН ДЛЯ КИЛЛЕРА».  
5.50 Мультфильмы.  
6.30 «Дикий мир».  
7.00, 9.00, 12.00, 15.00, 18.00 Сегодня.  
7.20 Лотерея «Русское лото».  
7.45 Их нравы.  
8.25 Едим дома.  
9.20 Спасатели.  
9.50, 22.40 «Quattroruote».  
10.25 Авиаторы.  
11.00 Дачный ответ.  
12.25 Фильм «МОЛОДАЯ ЖЕНА».  
14.05 Своя игра.

15.20, 3.20 Т/с «ЗАКОН И ПОРЯДОК».  
17.05 «Главный герой».  
18.25 Фильм «КАМЕННАЯ БАШКА».  
20.15 Фильм «ПАРК ЮРСКАГО ПЕРИОДА».  
23.15 Фильм «ХОРОШИЕ ПАРНИ».  
1.45 Фильм «БРОДЯГА».  
4.10 Т/с «ВСЕ ВКЛЮЧЕНО».

**ТВ 3**

7.00 Мультфильмы.  
10.00 Х/ф «СОБАКА НА СЕНЕ».  
13.00 Х/ф «ОБЫКНОВЕННОЕ ЧУДО».  
16.00 Х/ф «АСТЕРОИД».  
18.00 Док. фильм «Городские легенды. Васильевский остров. Загадка древних изваяний».  
19.00 Х/ф «ПАДШИЙ-3».  
21.00 Х/ф «ГОЛОС ИЗ ПРОШЛОГО».  
23.00 Х/ф «УБИЙСТВО НА ОЗЕРЕ».  
1.00 Х/ф «ПРОБУЖДЕНИЕ ГАРГУЛЬИ».  
3.00 Познавательное-развлекательная программа «Покер».  
5.00 Комната страха.  
6.00 Релакс.

**ТНТ**

5.00 Мультфильмы.  
7.25, 4.45 «САША + МАША». Комедия.  
7.45 «Первая Национальная лотерея». Лотерея.  
7.50 «Наши песни». Жасмин.  
8.00, 20.00, 0.40, 3.50 «Дом-2. Город любви».  
9.00, 19.00 «Битва экстрасенсов».  
21.00 «Комеди Клуб».  
22.00 «Женская лига». Комедия.  
22.30 «Смех без правил».  
23.35 «Убойной ночи».  
0.10 «Секс».  
1.10 «Привет! Пока!».  
2.10 «СТРАНА ЧУДАКОВ». Комедия.

**СТС**

7.00 «ПЛОВЕЦ». Х/ф.  
8.50, 15.30 Мультфильмы.  
10.15 «Самый умный».  
12.00 «Галилео». Журнал.  
13.00 «Снимите это немедленно!»  
14.00 Комедия «ДОМ КУВЫРКОМ».  
17.00 «6 кадров».  
17.30 Кино «АСТЕРИКС И ОБЕЛИКС. МИССИЯ «КЛЕОПАТРА».  
19.30 Комедия «ПАПИНЫ ДОЧКИ».  
21.30 «6 кадров».  
22.00 Кино «АСТЕРИКС НА ОЛИМПИЙСКИХ ИГРАХ».  
0.15 «Даешь молодежь!» Т/с.  
1.15 Кино «ФАНАТ».  
3.30 Кино «ЭММА».  
5.45 Комедия «ДЖИНН ДОМА».

**ДТВ**

7.00 Клуб детективов.  
7.55 Музыка.  
8.00 Фильм «Как уходили кумиры».  
9.00 Тысяча мелочей.  
9.30, 12.25 Мультфильмы.  
12.40 Фильм «ТАЙНА ГОРНОГО ПОДЗЕМЕЛЬЯ».  
14.30 Самое захватывающее видео.  
16.30 Фильм «ПРОПАВШАЯ ЭКСПЕДИЦИЯ».  
19.30, 1.00 Детективное реалии «Брачное чтение».  
21.00 Х/ф «СЕКРЕТНЫЙ АГЕНТ МАКГАЙВЕР: ПУТЬ К КОНЦУ СВЕТА».  
23.00 «Смешнее, чем кролики».  
0.00 Детектив «С.С.I. МЕСТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ МАЙАМИ-6».  
1.30 «Смешнее, чем кролики».  
2.00 Х/ф «2001 МАНЬЯК».  
4.00 Клуб детективов.  
6.00 «Каламбур».

**7 ТВ**

6.00 Super-утро.  
11.00, 0.00, 1.00, 2.00, 3.00, 4.00, 5.00 «7 новостей».  
11.05 Классика: NHL.  
12.00 Game Sport.  
12.10, 19.10, 22.10, 1.20 NBA Live!  
12.30, 17.10, 21.40, 1.05 NHL. Ежедневный обзор.  
12.40 Киберспорт.  
13.00 X-Gamez.  
14.00 Танцфорум 2009.  
14.01 Открытый московский международный турнир.  
15.00 Предельная глубина.  
15.10 Море дайвинга.  
15.30 Мир подводной охоты.  
15.40 Основной инстинкт.  
16.00 Под водой...  
16.10 Мир свободного спорта.  
16.40, 5.30 Wrestling: опасная зона.  
17.30, 23.00 X-treme 99.9.  
18.30 Диалоги о рыбалке.  
18.40 Бега и скачки.  
19.30 Клуб покорителей пространства.  
19.40 Motor World.  
20.10 Картинг.  
20.30 Off-Road Drive.  
20.40 Диагноз: горы.  
21.00 Радио-рейды России.  
21.10 Volvo Ocean Race.  
22.00 Свободный полёт.  
22.30 Настольный хоккей.  
22.40 Настольный футбол.  
0.05 Покер.  
1.35, 5.15 Outrageous and Courageous.  
2.05 Шоу «Ночной выигрыш».  
3.05, 4.05 Спортмания.  
5.05 Только не это!

## МАЪРИФАТ ДАРСИ

## СЎНМАС ХОТИРА ВА АЗИЗ ИНСОНЛАР ҚАДРИ

**«Ўтганлар ёдини эсда сақлаш, уларга ҳурмат-эҳтиром бажо этиш авлодлар учун ҳам қарз, ҳам фарзлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз даркор. Инсон бор экан, хотира ва тарих мангудир».**

**Ислон КАРИМОВ.**

Дориламон кунларда яшаш насиб этганидан шукрона айтиб, орда қолган умрининг яхши, ёмон лаҳзаларини эслаб туриш керак, албатта. Мен ва тенгдошларим мустақиллик кунларини кўриб, унинг меваларидан баҳраманд бўлдик. Юртимиз обод бўлиб, халқимиз фаровон кунларга эришаётганидан дилларда қувонч, фахр ҳисси жўшади.

Бу кунларга етиб келишнинг ўзи бўлмади, албатта. Шунинг учун мана шундай дориламон кунларга етиш учун курашган, орзу қилиб ўтиб кетганларни эслаб, хотирлаб туриш биз учун ҳам қарз, ҳам фарзидир.

Ҳар гал 9 май яқинлашаркан кўпчилик Иккинчи жаҳон урушининг фронтларда жанг қилиб, мардларча ҳалок бўлганларни эслайди. Бу бежиз эмас. Чунки бу уруш инсониятнинг бошига мислсиз кулфатлар солди. Миллионлаб кишиларнинг ёстинини қуритди, минглаб шаҳар ва қишлоқлар вайрон бўлди.

Мен ҳам кўплар қатори ўша номинг ўчгур урушида нишпирок этдим, фронтларда жанг қилдим. Бир марта жанг бўлиб ўтган жойни тасвирлашга тил бормади. Айниқса, майдонларда жонсиз ётган ашқомат йигитларни кўрганда ҳар қандай тош юрак ҳам эзилиб кетарди. Урушда халқимиз ярим миллиондан ортиқ ўғлонидан жудо бўлди, оналар фарзандидан, болалар отасидан, аёллар севиқли ёридан ажради. Деярли ҳар бир хонадон мусибатда қолди. Шунинг учун ҳам доимо Яратгандан халқимизни уруш балосидан асрагин дея илтижо қиламан.

Мардлик, жасорат кўрсатиб фронтдан қайтган юртдошларимизга муносиб иззат-икром кўрсатилди. Қаҳрамонларча ҳалок бўлганларнинг номини тарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйишди. Уларнинг номини абадийлаштириш учун муносиб ишлар қилинди. Уруш жанггоҳларида жон берганларнинг номини хотирлаб туриш инсоний бурчимизга айланган.

Айни кунларда қариллик гаштини сураётган уруш фахрийларига кўрсатилган гамхўрликларга ҳар қанча миннатдорчилик билдирса арзийди. Юртбошимизнинг 9 май—Хотира ва Қадрлаш кунини муносабати билан Иккинчи жаҳон урушини нишпирокчиларини моддий рағбатлантириш ҳақидаги Фармонидан бошимиз осмонга етди.

Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари сафида ички ишлар идораларида хизмат қилганлар ҳам бор. Улар уруш жанггоҳларидан қайтиб келиб, юртда тинчлик, осойишталикни сақлаш жиноятчиликлари қарши курашиш учун бел боғлашди. Ҳозирги кунда уларнинг 324 нафарини сафимизда қариллик гаштини суришяпти. Фурсатдан фойдаланиб, ИИВ раҳбариятининг Иккинчи жаҳон урушини фахрийларига кўрсатаётган гамхўрлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Мамлакатимизда нишонланадиган ҳар бир байрамда ИИВ раҳбарияти биринчи галда биз, Иккинчи жаҳон урушини фахрийларига кўрсатаётган гамхўрлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Мамлакатимизда нишонланадиган ҳар бир байрамда ИИВ раҳбарияти биринчи галда биз, Иккинчи жаҳон урушини фахрийларига кўрсатаётган гамхўрлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Бугунги кунда ички ишлар идораларида хизмат қилаётганлар биз, фахрийларнинг фарзандимиз, неварамиз, шогирдларимиздир. Ўзбек миллиясининг шонли йўлини давом эттириб, юртда тинчлик, осойишталикни сақлаш йўлида фидойилик кўрсатаётганларнинг хизматлари янада самарали бўлишини тилаймиз.

Шўролар даврида 9 май кунини асосан уруш нишпирокчиларининг байрами ҳисобланарди. Фронтга кишим-кечак, озиқ-овқат, қурол-яроғ етказиб бериш учун меҳнат қилганлар эса кам эланарди.

Ваҳоланки, биз эркалар фронтда жанг қилганимизда завод, фабрика ва далада ишлаш асосан аёллар, ёш болалар зиммасига тушганди. Бизнинг оиламиздан мен ва отам урушга кетганмиз. Онам бир этак ёш болалар билан қолганлар. Онам раҳматли аёл боши билан орда ер ҳайдаб, экин эккан. Айтмоқчиманки, уруш йилларида мамлакат ичкаридагиларга осон бўлган эмас. Уларнинг машаққатли меҳнати, очин, юпун ҳаётини эсдан чиқариш мумкин эмас, албатта.

Юртбошимиз томонидан 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунини деб эълон этилишида ана шулар

ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Урушдан кейинги йилларда хизматга асосан фронтларда жанг қилганлар жалб этилганди. Иш шароити ҳақида бирор илтиқ гап айтиш ўринсиз. Туман ички ишлар бўлимида бир ёки иккита машина бўлиб, ходимлар узоқ жойларга орда борарди. Жиноятчи ортидан қор, ёмғирда пнеда қувиб бориб ушлаб келиш айтишга осон. Ана шундай шароитда хизмат қилиб, ўтиб кетганларнинг ҳаёти ҳозирги ёшлар учун ибратдир.

Инсон азиз экан, унинг қадр-қиммати ҳам улугдир. Инсонни қадрлаганлар эса кам бўлмайди. Мустақиллик шарофати

монга стади. Фарзандлари, неваралари даврасида унинг хизматларидан гапириб берамиз. Ана шунда фарзандларига қарасам, уларнинг кўзларида ҳавас, қалбида отаси билан фахрлиниш ҳиссини кўраман. Элга хизмат қилган киши ана шундай ҳурмат эътиборга, эъзозга лойиқ бўлишини кўриб, отасидан бўлиш орзуси жўп уради, албатта.

Ички ишлар идораларида кўп йиллар хизмат қилиб, бутун фаолиятини юрт тинчлиги, осойишталигини сақлаш, жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш, жамоат ҳамда фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга бағишлаб, иззат-икром билан нафақада дам олаётган фахрийларимизнинг сони эллик мингга яқинлашиб қолди. Улар орасида хизмати, фазилати, бурчига бўлган садоқати билан ўрнак бўлганлар талайгина. Фахрийларни йўқлаб туриш, уларнинг бой тажрибасидан фойдаланиш мақсадида ички ишлар идораларига таклиф этиб, учрашувлар ўтказишни олдий талбир деб бўлмайди. Биринчилан, фахрийга бўлган ҳурмат-эътибор, иккинчилан, ёшларга сабоқ. Кейинги пайтда жойларда бундай учрашувларга катта эътибор берилётганидан кўпчилик мамнун бўлмоқда.

Вилоятлар, туман ва шаҳарлар ички ишлар бўлимида Хотира майдони ташкил этилган. У ерда қайд этилган исм-шарифларни ўқиб, ҳам кўнглингиз ўксийди, ҳам фахрлини кетасан, киши. Айни навқирон пайтда ҳаётдан бевақт ўтган йигитларни кўз олдида келтирган ҳар қандай кишининг дили ўксийди. Юрт осойишталиги ва тинчлиги учун жонини қурбон қилишга тайёр йигитларимиз борлигидан эса гурурланамиз.

Тинчлик ва осойишталикнинг қадрини сўз билан ифодалаш қийин. Кичкинагина бир қушининг уяси бузилса, тинчмай чуғурлаб, бутун

оламни тўнтариб юборгудай бўлади. Тинч, хотиржам уйда барака бўлади, хонадондан файз аримайди. Шунинг учун ҳам халқимиз дуога қўл очганда биринчи галда Яратгандан юртга тинчлик ва элга омонлик тилайди.

Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикнинг барқарор бўлишида фидойилик кўрсатиб, жиноятчи, қонунбузарлар билан курашиб, хизмат пайтида ҳалок бўлган йигитларнинг номи ҳар қанча эъзозга лойиқ. Уларнинг оила аъзолари, фарзандлари ана шундай отаси, ёри борлигидан фахрланишлари керак. Жойларда хизмат пайтида ҳалок бўлган ходимларнинг номига кўчалар қўйилган, ёдгорлик лавҳалари ўрнатилган. Хизматини энди бошлаётганлар ана шу мард, жасур, матонатли йигитлардан ўрнак олишлари зарур. Хасос шоир Гофур Гуломнинг бир шеърида «Йигит омон бўлса қўрғон саломат» деган сатрларни ўқигандим. Ички ишлар идораларида мард, жасур, керак бўлганда Ватан, халқ учун жонини аямайдиган ходимларимиз хизмат қилаётгани учун ҳам биз, кексалар хотиржам умргузаронлик қиламиз.

Инсонни ёруғ дунёдан ўтиб кетганидан кейин юз марта оҳ-воҳ қилиб йиелагандан, тирикчилигида бир марта бўлса-да йўқлаб кўнглини шод қилганининг савоби улуг бўлади. Навоий ҳазратлари ҳам бир кўнгли ўксик кишини хурсанд қилиши, муқаддас Каъбани қайта тиклашдек савобга лойиқ деб бежиз айтмаганлар. Инсонлар бир-бирлари билан кўришиб, кўнгли сураб турсалар ўртада меҳр-муҳаббат, оқибат ошаверади. Шу ўринда кексаларни, ота-онани, ёру биродарларни фақат байрам, атоқли кунларда эмас доимо йўқлаб, хабар олиб туриш кераклигини айтиб ўтиш жоиз.

Яқин кунларда халқимиз Хотира ва Қадрлаш кунини нишонлайди. Бу дунёдан ўтиб кетганларнинг порлоқ хотирасини эсга оламиз, уларнинг эл-юрт, оила, фарзандлари олдидаги хизматлари, эзгу ишларини бошқаларга гапириб берамиз. Байрам кунлари кексаларни йўқлаб, улар дуоси олинади. Ногирон, кўнгли ўксикларнинг дили шод этилади, дўсту биродарлар билан учрашиб, чақчақлашиб, ана шундай дориламон кунларда яшаётганимиз учун шукроналар айтилади. Зеро, инсон азиз, ўтганларнинг хотираси муқаддасдир.

**Тилла АБДУЛЛАЕВ,**  
Иккинчи жаҳон уруши ва ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги генерал-майор.



ҳисобга олинган, албатта. Уруш йилларида далада, ишлаб чиқариш жабҳаларида меҳнат қилганларга имтиёзлар берилгани уларга нисбатан гамхўрлик ифодаси, албатта.

Тинч қурилиш йилларида ҳам халқимизга мардонавор меҳнат қилган. Йирик саноат корхоналарининг қурилиши, қуриқ ерларни ўзлаштириб, чулданг ўртасида шаҳарлар барпо этилиши осон бўлган эмас. Буларнинг бари инсон меҳнати билан бунёд этилган. Улкан бунёдкорлик ишларида нишпирокчиларнинг меҳнатини эсламай, қадрламай бўладими?

Шу ўринда ички ишлар идоралари фаолияти


билан юртимизда инсонларга бўлган эътибор, меҳр, қадр анча онди. Айниқса, кексаларга нисбатан иззат-икром кўрсатиш одат тусига кирди. Бу аввало, халқимизга хос фазилат. Қадимдан кексаларга муносиб ҳурмат, эҳтиром кўрсатилган. Бу анъана давом этиши учун ёшларимизга ўтганларни хотирлаш, инсонларни қадрлашнинг аҳамиятини амалда кўрсатиб, онгига сингдиришимиз керак.

ИИВ Фахрийлар кенгашининг аъзоси сифатида кексаларни йўқлаб ўйинга бораман. Кўп йиллар ички ишлар идораларида хизмат қилиб, нафақада дам олаётган сафдошимизнинг йўқловдан боши ос-

## ХОТИРА УЙҒОНСА ГЎЗАЛДИР

## «ҚАЛБИМИЗДА ЯШАЙСИЗ»

Абдусалим ака йигитлик бурчини ўтаб қайтгач, касб танлаш борасида кўп ўйланмади. Бир мунча вақт ишчи бўлиб ишлаб, хужжатларини Ички ишлар вазирлигига қарашли ўрта-махсус милиция мактабига топширди. Уни муваффақиятли тугатиб, Тошкент шаҳар туманларининг биридаги ички ишлар бўлимида ўз фаолиятини бошлади.



Хизмат жараёнида махсус мактабда олган билимларининг етарли эмаслиги биланиб қолди. Танлаган касбининг устаси бўлиш ниятида Тошкент Давлат университети ҳуқуқшунослик факультетининг кечки бўлимига ўқишга кирди. Ўшанда ўқишга кириб тўғри қилганини, фаолиятида учрайдиган баъзи саволларга айнан мана шу даргоҳда аниқ жавоб олаётганини англади. Унинг меҳнатсеварлиги, ҳалол ва фидойилиги кўп ўтмай раҳбарият эътиборига тушди.

Абдусалим Абдувалиев тингловчиликдан подполковниккача бўлган машаққатли, аммо шарафли йўлни босиб ўтди. Раҳбарият Абдусалим Абдували-

евни қайси соҳага йўлласин, у шу соҳани чуқур ўрганган, билмаганларини жамоалошларидан, устозлари Ф. Раҳимов, Ж. Абзамовлардан сўрашдан уялмади. Зиммасига юклатилган вазифаларни сидқидилдан бажарди. Шу билан бирга, турмуш ўртоғи Маъбират ая билан икки ўғил, икки қизни тарбиялаб, эл-юрт корига ярайдиган фарзандлар этиб вояга етказишди.

— Отамиз жуда қаттиққўл, шу билан бирга, меҳрибон эдилар, — дейди Тошкент шаҳар ИИББ манзил-маълумот бериш хизмати бошлиғи ўринбосари Озода Абдувалиева. — Ҳар бир ишни маромига етказиш, виждонан бажариш уларнинг қон-қонига

сингиб кетган. Бизларни ҳам ана шундай руҳда тарбиялаган эдилар. Соғлиги туфайли пенсияга чиқиб ҳам уйда тинч ўтирмадилар. Ўн йилдан ортқ ИИБВнинг хўжалик бошқармасида фаолият юритдилар. Отамизнинг ёрқин хотираси сафдошлари, биз фарзандлари ва шогирдлари қалбида абадий яшайди.

Бир сўз билан айтганда, ички ишлар идораларида қирқ йилдан ортқ хизмат қилиб, обрў-эътибор қозонган, кўплаб шогирдлар етиштирган подполковник Абдусалим Абдувалиев унга яқин неварани, чевараларнинг камолини кўриш бахтига муяссар бўлган инсон эди.

Муҳаббат МИНАВВАРОВА.

## ФИДОЙИ ҲАМКАСБЛАРИМИЗ

## СИДҚИДИЛДАН АДО ЭТИБ

Капитан Гулноза Ўриновани ҳеч иккиланмай матонатли, иродали, ўз касбининг жонкуяри дейиш мумкин. Буни инкор этиб бўлмайдиган сабаблари бор, албатта. Қашқадарё вилояти ИИБ ЁХБ инспектори, капитан Гулноза Ўринова бундан ўн уч йил илгари соҳада фаолият бошлаган эди.

Ўтган давр мобайнида Гулноза ўзига тошширилган вазифани сидқидилдан адо этиб, жамоалошларини, қолаверса, бошқарма раҳбарияти хурмати сазовор бўлди. Капитаннинг асосий вазифаси вилоятдаги ёнғин ўчириш қисмларини фаолиятини назорат қилиш, хо-

димларни ижтимоий қўллаб-қувватлашдан иборат.

Бундан ташқари, Гулнозанинг зиммасида яна бир залворли вазифа бор. У бир неча йилдирки, вилоят ИИБ ЁХБ хотин-қизлар кенгашини бошқариб келади. Ушбу вазифани бажариш учун ҳам

вақт топади. Лозим бўлганда бошқарма раҳбарияти мададига таяниб иш тутайди.

Гулноза ўзи танлаган касбидан мамнун ҳолда шундай дейди:

— Киши аввало, ўзи танлаган касбини севиши ва уни эъзозлаши даркор. Ана шунда хизматнинг пасту баландлига кўникма ҳосил қилади. Ҳар қандай масъулиятли иш бўлмасин асло қийналмай бажарайди.

Киши қайси соҳада ишласин унга касб сирларини ўргатган инсонни асло унутмайди. Гулноза ҳам ана шундай ажойиб хислатли, касбий тажрибаси бой устоздан хизмат сирларини ўзлаштирганидан қувониб юради. Шу боис истеъфодаги майор Уйғун Хўжакулов номини хурмат билан тила олади.

Ҳа, Гулноза ҳаётда ҳам ўз бахтини топган. Ўғли Асилбек мактаб ўқувчиси. Ўқиб, эл-юрт, халқининг ишончли қалқони бўлиш болакайнинг асл мақсади. Ўзининг мана шундай қатъий ниятидан Гулноза бахтиёр она сифатида фахрланади.

Соҳибжамол АМИНОВА.

Суратда: Г. Ўринова ўғли Асилбек билан.

Қашқадарё вилояти.



## ИБРАТ

Учқудуқ тумани ИИБ хузуридаги қўриқлаш бўлинмаси милиционери, сержант Намаз Пиримбетов ҳақида раҳбарлар илиқ фикрлар билдиришди.

— Касбига меҳри билан, билими, сергайрат йигит, — деди бўлинма бошлиғи, подполковник А. Умаров. — Намунали хизмати билан кўпчиликка ибрат бўлмоқда. Яхписи ўзи билан суҳбатлашганингиз маъқул.

Бўй-баста келишган, хизмат кийими ўзига ярашиб турган Н. Пиримбетов билан қисқа мулоқот чоғида ҳам-

сига хужжат тошширди.

— Армияда Ҳарбий ҳаво кучларида хизмат қилдим, — деди у ўзи ҳақида сўзларкан. — Шу даврда келгуси ҳаёт йўлиمنى танлаб олганман.

Ҳа, аниқ мақсад сарингликларини бесамар кетмади. 1997 йилнинг баҳорида ички ишлар идорасига қабул қилинган бўлса, ўтган давр мобайнида у маънавий

З. Тошнўлатов билан хизмат ўтаётган вақтда йўлда кетаётган икки нафар шахснинг ҳаракатлари шубҳали туюлади. Вақтни бой бермай «02» га қўнғироқ қилиб, дарҳол бу ҳақда хабар беришди. Кўп ўтмай етиб келган тезкор ходимлар иштирокида шубҳа уйғотган шахслар текшириб кўрилганда, уларнинг ёнида оқ кукунга ўхшаш модда — героин гиёҳвандлик моддаси борлиги аниқланди.

Оиласи тинч, хотиржам инсоннинг

ЭЪТИРОФГА  
ЛОЙИҚ ЮТУҚЛАР

касблари орасида хурмат-эътибор қозониб, раҳбарият назарига тушганлиги бежиз эмаслигини ҳис этдик. Фикри теран, сўзлари маъноли, энг муҳими, қарашларида самимият, ўзига бўлган ишонч ва қатъият мужассам. Одатда бундай инсонлар бошлаган ишнинг охирига етказмагунча тиниб-тинчимайди.

— Отам оддий чўпон бўлган, — деди Намаз бир зум болалик хотираларига берилиб. — Тирикчилигимиз чорванинг орқасидан эди. Онам ёрдамчи чўпон сифатида отамга қарашар, табиийки, мен ҳам эртаю кеч улар билан ёнма-ён сурувнинг ортидан юрардим. Кўй-қўзи, от, туя боққанмиз. Отам меҳнати билан қадр топган инсон эди, десам янглишмайман. Ҳалол ва самарали меҳнатлари учун «Жигули» автомашинаси билан мукофотланган. Ўзлари ёзу қиш дала-данг кезиб юрсалар-да, бизнинг ўқиб, билим олишимиз учун кўп қайғурганлар.

Аммо Тўхтамурод ота вафотидан сўнг Намазнинг ўқиб, олиш маълумоти бўлмади. Оилада ўн бир фарзанд, тўрт ўғил, етти қиз эди. Ўғилларнинг қатнаси Намаз оила, рўзгор ташвишларини ўз зиммасига олди. Ота ўрнини билдирмасликка ҳаракат қилди.

Ҳарбий хизматдан қайтгач, ҳеч иккиланмай ички ишлар идора-

етук, баркамол, ҳамкасбларига ғамхўр, хушмуомала ва шижоатли ходим сифатида ўзини намоян этди. Яхши фазилатлари билан жамоада ўз ўрнини топди.

ишида унум, барака бўлади, дейишгани рост. Намаз Пиримбетовнинг эътирофга лойиқ ютуқларида аҳил ва ҳамжиҳат оиласининг ўрни беқийс. Ҳаётини меҳнат



Кези келганда эътироф этиш жоизки, ички ишлар идораларида хизмат қилиш, энг муҳими, бу соҳанинг машаққатларига бардош бериб, эл назарига тушиш, обрў-эътибор қозониш осон эмас. Гоҳида кулларни тунларга улаб хизмат қилишга, вақт билан ҳисоблашмай ишлашга тўғри келади. Суҳбат баҳона Н. Пиримбетов фаолиятида учраган айрим воқеаларни тилга олди, холос. Аслида хизмат жараёнида бу каби қатор жиноятларни фони эгишида қатнашган.

Бир кунги ҳамкасби

билан беазаган, бахтин фарзандлар камолида деб билган онаси Парраҳат аянинг дуолари, рафиқаси Динаранинг меҳри, ғамхўрлиги унга қанот бўлиб, эзгу ишларга руҳлантириб келмоқда. Қизи Асия, ўғли Ержон унинг кўнгли қувончи, умид ва келажаги. Тинч-тотув оиласи, шарафли касби, ҳавас қилса арзигулик жамоаси бор. Ўзи эътироф этганидек, унинг бахти, ҳаётининг мазмуни ҳам ана шунда.

Нигора РАХИМОВА.  
Навоий вилояти.

Суратда: сержант Намаз Пиримбетов оилада бахтли отадир.

ОДАМ САВДОСИ – ЖИНОЯТ

# БАРБОД БЎЛГАН САФАР

Бугунги кунда мўмай даромад илинжида одамларни алдаб, бошқа юртларга олиб кетиш, уларни катта пулга сотиб, манфаат кўриш ҳоллари учраб турибди. Халқимизда «Хар ерни қилма орзу, хар ерда бор тошу тарозу», деган ибратли нақл бор. Афсуски, ҳамма ҳам бу мақолга амал қилишни истамайди. Оқибатда фирибгарлар кўлида «кўгирчоқ» бўлиб қолишганини сезмай қолишади.

Бухоро шаҳрилик Р. Насибанинг (исмлар ўзгартирилган) ҳам бошига ана шундай савдо тушишига бир баҳя қолди. У алдов йўли билан «инбилармон», Хитойда ўзларича анча ўрнашиб олган «уддабуррон» кимсалар Я. Мадина ва А. Самандар томонидан республикамиз ҳудудидан олиб кетиладиган вақтда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари тўхтатиб қолишди. Ҳа, одам савдоси қонунимизда жиноят ҳисобланади. Одамларни алдов йўли билан четга олиб чиқиш, уларнинг ҳуқуқларини поймол қилиб, ишлатиб, бунинг орқасидан жарақ-жарақ пул топишнинг жавобгарлиги бор. Хўш, эндигина 19 ёшга кирган аёл фирибгарлар қўлига қандай тушиб қолди? Оилали, ёш аёл фақат пул топиш мақсадида яқинларини ташлаб, четга кетиши шартми?

Айтиш жоизки, Насиба рўзғорда учраб туралган айрим этишмовчиликларни хорижга чиқиб, пул ишлаб келиш билан ҳал қилмоқчи бўлди. Унинг бундай қарорга келишида марҳум тоғаваччасининг собиқ хотини Я. Мадина ва унинг турмуш ўртоғи А. Самандарнинг катта ваъдалари сабаб бўлди. – Хар кун этишмовчилик деб оилада жанжал қилишнинг нима кераги бор? Ундан кўра кўп қатори пул топишнинг йўлини қил, – деди Мадина оиласидаги жанжал туфайли унинг уйида бир неча кундан буён яшаб турган Насибага. – Унинг йўли қандай экан, деб сўрасанг, буни сенга ўзим ўргатаман. Шу тариқа фирибгар аёл ёш келинчакнинг кўнглидаги гапни топиб айтди. Уни синглиси Наргиза ва дугонаси

Азиза билан Хитой давлатига бориб, у ердан турли моллар олиб келишга ёрдам беришликни, бунинг эвазига мўмай пул ишлаб олишни таклиф қилди. Чет давлатга кетиш учун зарур бўладиган барча харажатлар, ҳужжатларни тайёрлашни ҳам ўз зиммасига олди. «Қаранг, қандай бахт. Ундан ҳеч нима талаб қилинмаяпти. Фақат бир оз вақт оиласидан узоқда бўлиб, собиқ янғасига сафарда ҳамроҳлик қиларкан. Бунинг нима қийинлиги бор? Уйдагиларни кўндирсам бўлгани». Насиба Мадина билан бўлган «ширин» суҳбатдан сўнг ана шундай қарорга келганди. Аёл келинчакнинг кўнглини олиш учун унинг қўлига 100 АҚШ долларини ҳам тутқазиб қўйди. Бу орада онаси бетоб бўлиб қолган эмасми, долларлар уни даволатишда асқотди. Ораладан бир қанча вақт ўтгач, Насибанинг барча ҳужжатлари, йўл чипталари ҳам тайёр бўлди. Лекин янғасининг ўша яқин дугонаси – Азиза унинг барча орзумилларини чил-парчин қилди. – Сен янгангнинг барча гапларига чинчачин ишондингми? У

сени тижорат ишларига ёрдам бериш учун эмас, балки фоҳишалик қилишга олиб кетаяпти. У ерда менга 7000 АҚШ доллари ишлаб бериб, кейин ўзинг учун пул ишлайсан, – деди. Бундай бўлишини кутмаган аёлнинг боши қотди. «Энди нима қиламан? Мадина у учун анча пул сарфлаб, ҳатто кийим-бошларигача олиб берган бўлса. Бу аёлнинг қўлидан қутилиш йўлини топа олармиканман?» Насиба бир неча марта Мадина унинг уйига сўроқлаб келган пайтда ҳали кўшнингнинг уйига, ҳали бошқа бир жойга яшириниб, унинг кўзига кўринмади. Ниҳоят бу ҳақда ички ишлар идорасига хабар беришга қарор қилди. Фақат ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг аралашуви, адолатли қонунимизнинг кучи билан ёш келинчакнинг хорижга кетиб, бошига тушгани мумкин бўлган аянчли кўргиликларнинг олди олинди. Фирибгарларнинг режаси барбод бўлди. **Абдуқодир МЎМИНОВ,** катта лейтенант. **Рўзигул ЙЎЛДОШЕВА,** журналист. *Бухоро вилояти.*

ГИЁҲВАНДЛИК – ИЛЛАТ

Денов шаҳридаги касб-хунар коллежи директори ўринбосари лавозимида ишлаган А. Гулбаҳор кўпдан буён ўйлаб юрган шум режасини ким биландир ўртоқлашгиси келди. Бунинг учун бир жамоада ишловчи лаборант Н. Хосиятни танлади. Оғзига маҳкам, ўзганинг сирини бировга гулламайдиган бу аёл билан дардлашгиси, ҳамкорлик қилгиси келди. Қолаверса, у режалаштираётган иш бир киши учун оғирлигидан ҳам ҳадиксираётганди.

## ШУМ РЕЖА

– Бизнинг ҳам одамлардек машина минишга, шоҳона уйларда яшашга, қимматбаҳо тақинчоқлар тақишга ҳаққимиз бор, – деди у Хосиятнинг кўнглига қўл солиб. – Нимасини айтасиз, опагон, – деди Хосият. – Аммо бунинг учун пул керак-да. Суҳбат анча давом этди. Гулбаҳор муддаога кўчди. – Бир танишим пул масаласида ёрдам беради. Хўп сангиз юмушни бирга бажарамиз. Фойдаси арра. Хосият ўйлаб ҳам ўтирмай героин олди-сотдисига воситачилик қилишга рози бўлди. Шу тариқа икки аёл жиний тил бириктириб яшириб қўйилган оғу учун харидор излай бошлашди. Сурхондарё вилояти ИИБ тоғли ҳудуд ЖҚБ ходимлари гиёҳвандлик моддаларнинг гайриқонуний айланишига қарши тадбир белгилашганди. Унга асосан оғу олди-сотдисига воситачилик қилаётган ва ўзлари ҳам улгуржи харидор излаётган гомонланувчиларни қўлга олиш керак эди. Аммо гиёҳфурушлар билан мулоқотга киришиш осон кечмади. Калаванинг учи аёл кишига, яна коллежга бориб тақалаётгани бир қарашда ишончсиздек туюларди. Аммо тезкор маълумотлар буни тасдиқларди. Гулбаҳор ўзини мамлакатнинг олис манзилидан келдим, дея таништирган «мижоз» билан мулоқотга киришди. Улар олди-сотди чоғида «маҳсулот»нинг сифати ва нархи устида узоқ тортишдилар. Хосият ҳам Гулбаҳорнинг сўзларини тасдиқлаб турди. Аёллар 1 кг. 45 грамм героинни 10 минг АҚШ долларига сотаётган вақтда қўлга олинди. Тезкор суриштирувлар давомида Гулбаҳор онасининг уйига оғу яшириб қўйгани тўғрисида маълумот олинган эди. Ушбу ҳолат юзасидан тинтув ўтказилганда уч килограммга яқин гиёҳвандлик моддаси ашёвий далил сифатида олинди. Гулбаҳор ва Хосиятнинг шум режаси барбод бўлди. Текин бойлик васвасаси туфайли қабиҳ ишга қўл урган, аёллик шайини ўйламаган тарбиячи ва ҳамтовогининг ўзини тарбиялашга тўғри келди. Улар қилмишларига яраша жавоб беради. **Сафарали ОМОНТУРДИЕВ,** «Постда» мухбири. *Сурхондарё вилояти.*

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

# ОВЛОҚДАГИ БОСҚИНЧИЛИК

Тошкент шаҳри Юнусобод туманида уюшган гуруҳ аъзолари газетада қимматроқ буюм сотиб олиш, шунингдек, пуллик хизмат кўрсатиш ҳақида эълон чоп эттирган тадбиркорларни овлоқ жойга чақириб, уларнинг мол-мулкни қўлга киритди. Биз ушбу ҳолатни ўрганиб, матбуотда ёритиш мақсадида туман ички ишлар бошқармасига келганимизда терговчи, лейтенант Сардор Мирзараимов босқинчилардан зарар кўрган Алина Иванова(исм-шарифлар ўзгартирилган) билан тергов ҳаракатлари олиб бораётган экан. Воқеа тафсилотини Миробод туманидаги Оқ йўл кўчасида яшовчи, Янгиобод бозорида музлаткич савдоси ва таъмири билан шуғулланувчи Алинанинг тилидан ҳикоя қиламиз. «Улар телефонда арзон нархда музлаткич сотиб олмайсизларми, дея 15-шаҳар касалхонаси ёнида учрашув белгилашди. Турмуш ўртоғим билан айтилган жойга келганимизда бизни икки йиғит кутиб олиб, машинани Қ. Маҳсумов кўчасига ҳайдашни айтишди. Улар айтган манзилга етиб боргач, эрим машинани тўхтатганда, яна уч нафар барзанги шу ерда пайдо бўлди. Кейинги воқеаларни эсласам ҳали-ҳануз баданимни совуқ тер қоплайди. Машинадан тушганимни биламан, босқинчилар бизга ташланиб, дуч

маълумотлар асосида уюшган гуруҳ томонидан бир печта оғир жиноят содир этилгани аниқланди. 2009 йил 3 март кун соат 22.30 ларда Юнусобод тумани 10-мавзе, 10-уй олдида турт номаълум шахс шу уйда яшовчи З. Н. ни уриб, тан жароҳати етказиб, 350 минг сўмлик «Покция» уяли телефони ва ҳамёнидаги бор пуллари олиб, воқеа жойидан яширинди. 25 март кун олти нафар номаълум шахс Юнусобод тумани 13-мавзе, 55-уйнинг орқасидаги гаражлар оралиғида 1951 йилда туғилган В. П. нинг юзи ва бошига уриб, тан жароҳати етказиб, уч миллион сўмдан ортиқ турувчи видео ва фото асбоблари, шунингдек, уларнинг бутловчи қисмларини олиб кетишди. Эртасига Муродова кўчаси, 19-уй олдида фуқаро Т. Б. ни уриб, тан жароҳати етказиб, бўйнидаги тилла тақинчоғи ва чарм сумкасини қўлга киритишди. Ички ишлар ходимлари босқинчиларни қисқа фурсатда қўлга олиш учун бор маҳо-

ратларини ишга солишди. Туман ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБ бошлиғи ўринбосари, подполковник Фатхулло Тошпўлатов билан суҳбатлашганимизда у қўйидагиларни таъкиллади: – Жабранувчиларнинг кўрсатмаси бўйича олиб борилган тезкор ҳаракатлар натижасида шу кунгача Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятининг турли ҳудудларидан ушбу гуруҳнинг олти нафар ишпирокчиси ва ўғирланган молларни арзон нархда харид қилиб, қимматга сотувчи шахслар ушланди. – Мен уларни таъмирлаш билан шуғулланардим, – деди жиний гуруҳ аъзоси Адҳам суҳбат пайтида. – Ойинга 200-300 минг сўм пул ишлардим. Ишим юришганда бундан ҳам кўпроқ топган пайтларим бўлган. Қилмишимдан пушаймонман. Гуруҳнинг яна бир аъзоси – Икром эса шаҳардаги новвой хоналардан бирида ишлаб, ойинга 300-400 минг сўм маош олар экан. У ҳам пушаймонлиги, иккинчи бундай ноҳўя ишга қўл урмаслигини айтди.

Юнусобод тумани ИИБ терговчиси, капитан Бахтёр Сайлаҳметов билан олти нафар шахс фуқаро Петровнинг мулкни талон-тарож қилиш мақсадида оғир жиноят содир этган жойга келди. Терговчининг таъкиллашича, бу ерга Валерийни мана шу жойларни тарих учун тасвирга тушириб берасиз, деб аллаб олиб келиб, видеокамера, фотоаппарат ва бутловчи буюмларини тортиб олишган. Ички ишлар ходимлари томонидан бир неча кун мобайнида олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида уюшган гуруҳнинг кирликорлари фой этилди. Бунда туман ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБ бошлиғи ўринбосари, подполковник Фатхулло Тошпўлатов, тезкор вакиллар, майор Нодир Бобоев, лейтенант Камолитдин Зокиров, тергов бўлими терговчиси, лейтенант Сардор Мирзараимов, ҲООБ профилактика инспектори, лейтенант Дилмурод Юсупов, ЭКБ эксперти, катта лейтенант Ғанишер Мажанов ва милиционер-ҳайдовчи, сержант Тоҳир Файзуллаевнинг ҳиссаси катта бўлди. **Рустам ЁДГОРОВ,** подполковник. *Тошкент шаҳри.*





СЎНМАС ЮЛДУЗЛАР



# СЕНИ БИЛГАНЛАРГА ҚИЛАМАН ТАЪЗИМ...

**Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф ҳаёт бўлганида эртага 55 ёшга тўларди**

Сиз 47 ёшингизда ҳаётдан кетдингиз. Мирзо Бобур кетган ёш бу, Шавкат Раҳмон оша олмаган сирли бир довон бу. Негадир, мумтоз бир руҳиятли, дилбар шахсиятли инсонларни олиб кетадиган ёш экан бу қирқ етти.

Бу кун ногоҳ руҳим сизни соғинганини англадим. Қўлимга қалам олдим, руҳингиз билан юзлашай, дедим.

Биз Сиз билан «Туркистон» газетаси қошидаги шеърят сабоқларининг бирида танишдик. Мен шеър ўқидим. Сиз «Эй, бу шеърни сен ёзганмисан, мен кеча газетادا ўқидим», дедингиз. Учрашув тугагандан кейин мен билан гаплашиб, юриб кетаркансиз, меҳрингизни билдириб, Ёзувчилар уюшмасига бориб туришимни айтдингиз. Мен хурсанд бўлиб кетдим. Сиздек катта шоирнинг эътирофидан еттинчи осмонни ҳам оёқларим остида қолдирдим чоғи. Кейин Зоминдаги ёш ижодкорлар йиғинига бордик. Мени тинмай эътироф этиб турдингиз. Бу кимга ёқди, кимларга ёқмади — сизни қизиқтирмасди. Сиз беминнат яхшилик қилув-

чи, ҳокисор ҳабиб, мардона елка тутиб бера олгувчи инсон эдингиз. Юрнинг энг машҳур шоири эдингиз, эл ичида шўратлиг, шонлиг эдингиз. Сиз чинор эдингиз, соянгизда соялаб юргандик.

Бир куни иш сўраб эмас, сизни кўрай деб ишхонангизга бордим. Хурсанд бўлиб кутиб олдингиз. Аҳволимни сўрадингиз. Ишсизлигимни айтдим. Озгина ўйланиб туриб, «мени кутиб тур» деб хонангиздан чиқиб кетдингиз. Бироздан кейин келиб, «Эртага Абдулла аканинг ҳузурига кирамиз, кўп гапирмай тинглаб, олобли қиз бўлиб тургин, бўптимми?» дедингиз. Эртасига улғустоз ҳузурига бирга кирдик. Мен озроқ насиҳату танбеҳлардан кейин Ёзувчилар уюшмасига ишга қабул қилидим. Шундай муаззам ва улғу даргоҳда ишлаш масъулияти елкамни нақада эвса, шу қадар буюк одамлар билан ишлаш бахти руҳимни шунчалар кўтарар эди.

Азиз устозим! Отамдек пойдорим, акамдек баландим. Сиз қилган муруватларни эслаб бугун замонамизнинг энг заро-

фатлиг кишидини, қалбимнинг энг нодир ҳабибини йўқотганимни англадим. Зарофатли, шарофатлиг одам эдингиз. Сиз кетгандан кейин суяниб турган тоғим чўкиб кетгандек, узоқ юртга кетгансиз-у, эрта-индин кўришиб қоладигандек бир кайфият ичида юрдим. Элнинг, шеърсевар одамлари ичидаги катта ғусса бўлди Сизнинг ўлимингиз. Устоз!

Сизнинг ижодингиз ҳақида самимий бир гапларни ёзишни хаёл қилиб юрардим, бироқ кун келиб, Сизнинг хотирангиз ҳақида бу каби габли сатрларни ёзишимни ҳеч қачон ўйламагандим.

Сизнинг ўлимингиз. Хабарни қишлоқда эканимда эшигдим. Қулоқларим том битиб қолгандек бўлди. Одамлар «шу ростми?» деб сўрайдилар, мен довираб қоламан. Рост дейиша тилим бормайди. Андижонга бордик. Қабристонга кирдик, намхуш тупроқ ости-

да тоғдек шоир, дилбар бир инсон ётганига қанлоқ ишондим, билмадим. Мунгайиб қолган онангиз «Муҳаммаднинг шогирди бўлсанг, айланай. Муҳаммадим учун йиғласанг, айланай» деб мени қучиб йиғлаганлариди, совуқ бир тушим ўнгта айланиб, изтиробга солганда, сизнинг йўқлигингизга қандоқ ишондим, билмадим...

Сиз ҳеч қачон дунёга, моду давлатга қизиқмасдингиз. Лекин мен Ўзбекистон халқ шоириман деб фахрланардингиз. Ва баъзан ўзингизга ярашган ноқамтарлик билан «Мен Муҳаммад Юсуфман, халқ шоириман» деб таъкидлашним хуш кўрардингиз.

Сизни дунёларга алишмас номингиз, шеърларингиз бу азиз халқнинг хотирасида абадий ёд бўлиб қолди. Чин шоир қандай яшаса, шундай яшаб кетдингиз бу дунёдан. Бир шеърингизда айтгандингиз:

*От ҳам ёмон кўрар отнинг зурини,  
Турта-турта қуритади шўрини.  
Тура бўлди, кўрмай жойлар турини,  
Кўнкаридек ажаб савдо дунё бу.*

Айни гуллаган чоғида яшин урган дарахдек кетдингиз. Ғарқ пишганида тўкилган, етдим деганда йиқилган деб Сизни айтиди энди бу халқ.

Бугун сизни ҳар лаҳзасида ёд этиб турган катта халқ қолди ортингизда. Ўзингиз айтганингиздек: «гул ўшиб, гул ёпиниб, ҳар дилда мазорингиз» қолди. Ҳофизлар шеърингизни қўшиқ қилиб янграмаган бирор кун йўқ. Эл шоирлари, шеърсеварлари сатрларингизни ёд олмаган бирор кун йўқ. Китобларингиз ҳамон ёстиқлар остида, ҳамон кўз ёшлар саҳифаларни ювувчи. Фарзандларингиз улғайиб келаётир. Маъсума,

Шерзод, Нозима, Мадина. Ҳамон уларнинг юрган йўлларида сизнинг руҳингиз йўлчи юлдуз каби порлаб турибди. Сизнинг шеърингизга ҳавасманг авлод шоирлари номингизга эҳтиром ила шеърят оstonасига қадам ташлаётдилар. Сиз эл ичра ҳамон азиз ва муқаррамсиз.

Сиз 47 ёшингизда ҳаётдан кетдингиз, бироқ гўзал умр кечириб, гўзал хотиралар қолдирдингиз. Одамлар бор, Нуҳ ёшини яшаб ўтиб ҳам, Сиз қолдирган яхши номни қолдира олмайдилар.

Сиз Махтумқули айтганидек, «Зарлар тўкиб, чин гулларга чулганиб» яшадингиз. Шу боис 47 да кетсангиз-да, Нуҳ ёшига келдим денг. «Болаларим аро йўлларда қолди» деманг. Уларда сизнинг иродангиз бор экан, аста-секин йўлларини топаётдилар. Аёлингизга кўнглингиз бўлимасин. Сиз айтгандек, «аёл боши билан сув кечиб, олов кечиб» номингизни ҳар куни элга ёдлатиб юрибди. Сиз яхши кўрадиган халқ, Ватан бугун бир лаҳза бўлсин Сизнинг сатрларингизни унутгани йўқ. «Халқ бўл, элим» деган ҳайқириқлар ҳамон Ватан осмонини тўлдириб янграмоқда.

**Гулжамол АСКАРОВА,  
Зулфия номидаги  
Давлат мукофоти  
совриндори.**

## ТОШКЕНТ

*Эй қуёшга қариндош шаҳар,  
Тингламассан балки арзимни.  
Қирқ йил қуллуқ қилсам ҳам агар,  
Узолмасман сендан қарзимни.*

*Туни ёруғ, тонглари илқ,  
Шаҳарларнинг султони сенсан.  
Юзи қизил олмадай тиниқ  
Лобар қизлар макони сенсан.*

*Бисотимда топилмас зарим —  
Ёшлигимнинг ҳамроҳи ҳам сен.  
Хиёбонга томган ёшларим —  
Илк севгимнинг гувоҳи ҳам сен.*

*Эй кўксимга ўрнашиб қолган,  
Меҳри улғу борми сенчалик.  
Пойига тиз чўкканим ёлғон,  
Севмаганман ёрни сенчалик.*

*Қарзларим кўп мўмин аҳлингдан,  
Аммо ўйлаб гоҳо босар ғам —  
Бағринг шундай кенги, бағрингдан  
Паноҳ топгай дордан қочган ҳам...*

*Жоним садқа яхшиларингга,  
Ёмонингга ёмонлигим йўқ.  
Орзум йўлдош орзуларингга,  
Сенсиз менинг омонлигим йўқ.*

*Сени сўйган севгинга ҳамроҳ,  
Кўролмаган сенга зор бўлсин.  
Мени шоир қилган қумсувоқ —  
Болахоналаринг бор бўлсин!*

**Муҳаммад ЮСУФ,  
Ўзбекистон халқ шоири.**

## ИҚРОР

*О, ота маконим,  
Онажон ўлкам,  
Ўзбекистон, жоним тўшай соянгга.  
Сендай меҳрибон йўқ,  
Сенингдек кўркам,  
Римни алишмасман бедапоянгга.*

*Бир гўша сув бўлса, бир гўша қирлар,  
Қанча юртни кўрдим, қанча тақдирлар.  
Қайга борсам суяб, бошни тик тут деб,  
Тоғларинг ортимдан эргашиб юрар.*

*Кўрдим сулувларнинг энг фарангларин,  
Ё худбинман мен ё бир содда касман мен —  
Парижнинг энг гўзал ресторанларин,  
Битта тандирингга алишмасман мен.*

*На гапга кўнайин,  
На тил билайин,  
Кўздан уйқу қочди, дилдан ҳаловат —  
Уч кунда соғинсам нима қилайин,  
Чала қолар бўлди ҳамма саёҳат.*

*Билдимки, баридан улғим ўзинг,  
Билдимки, яқини шу тупроқ менга.  
Баҳорда Бахмалда туғилган қўзинг,  
Араб оҳусидан азизроқ менга.*

*Сен билан ўтган ҳар кун байрам — базм,  
Сенсиз бир он қолсам ваҳмим келади.  
Сени билганларга қиламан таъзим,  
Сени билмасаларга раҳмим келади.*

## ПОСБОНЛАР

*Сизда ором қайда,  
Сизда тин қайда.  
Сиз тўйиб ухлаган битта тун қайда.  
Эл-юрт оромини асраган зотлар,  
Эл меҳри асрасин Сизни ҳар жойда!..*

*Сизни учратаман тоғда, далада,  
Хизматда ҳаммиша, қорда, жалада.  
Сизга сабот берсин, Сизга куч берсин,  
Буюк зотлар руҳи шундай паллада.*

*Ҳар кун офтоб билан соғ кўришиб юз,  
Уйдан омон чиқиб, омон қайтингиз.  
Ризқи улғу бўлсин, кўкси улғу бўлсин,  
Хонадонингизу мамлакатингиз.*

*Йўллар равон бўлсин, йўллар оқ бўлсин,  
Баҳор майсалари кўкчиноқ бўлсин.  
Бурчга садоқатли эй фидойилар,  
Поклигингиз Сизга кўзмунчоқ бўлсин!..*

*Сизда ором қайда, сизда тин қайда,  
Сиз тўйиб ухлаган битта тун қайда.  
Эл-юрт оромини асраган зотлар,  
Эл меҳри асрасин Сизни ҳар жойда.*